

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

23-сон
(887)
2019 йил
10 июнь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

427. «Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги ПФ–5739-сон Фармони
428. «Тошкент шаҳрида «МЭИ» миллий тадқиқот университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 июндаги ПҚ–4350-сон қарори
429. «Аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасида ишлар самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 июндаги ПҚ–4351-сон қарори
430. «Тошкент шаҳрида «Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги ПҚ–4352-сон қарори
431. «Автомобиль транспортида юкларни халқаро ташишни янада ривож-

лантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги ПҚ–4353-сон қарори [Кўчирма]

432. «Конгресс-кўргазма тадбирларини давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражаларда ташкил этиш ва ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги ПҚ–4355-сон қарори

Учинчи бўлим

433. «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 июндаги 460-сон қарори
434. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика ҳудудларида «Business city» замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 августдаги ПҚ–3895-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 июндаги 461-сон қарори
435. «Ташқи савдо операциялари бўйича тўлов интизомини мустаҳкамлашга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 июндаги 464-сон қарори

Бешинчи бўлим

436. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 21 майдаги 60, 2019-30-сон «Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2766-2*)
437. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 майдаги 63-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларини тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2660-4*)

438. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 июндаги 242-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1376-1*)
439. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 22 майдаги 76-сон «Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3164*)
440. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2019 йил 29 апрелдаги 6-сон «Ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларининг генетик (нав) ва уруғ назоратини, лаборатория синовларини, сифати экспертиза қилинишини амалга оширишга доир қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3165*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 1 июндан 7 июнгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

427 Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиб-таомил- ларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартибини соддалаштириш, тугатиш жараёнини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий чекловларни бекор қилиш, бизнесни юритиш бўйича халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини янада яхшилаш, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлигининг 2020 йил 1 январдан бошлаб:

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи махсус ҳудудий комиссияларни тугатиш;

давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаганлиги учун тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартибини бекор қилиш;

давлат органлари ўртасида электрон ахборот алмашинувини жорий этиш орқали тадбиркорлик субъектларини тугатиш жараёнидаги ортиқча ҳужжатлар ва тартиб-таомилларни қисқартириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. 2020 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

а) тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларни (кейинги ўринларда — корхоналар) ихтиёрий тугатишда:

бир ёки бир неча даврий босма нашрларда корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълонлар бериш талаб этилмайди, бунда тегишли маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи органнинг расмий сайтига жойлаштирилади;

давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолия-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 июнда эълон қилинган.

тини амалга оширмаган ҳамда солиқ қарзи мавжуд бўлмаган корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти текширилмайди;

давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказиладиган, тугатиладиган корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини текширишнинг энг узоқ даврийлиги уч йилни ташкил этади;

молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун ваколатли давлат органларидан корхона тўғрисидаги мавжуд маълумотларни олиш Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда — Тизим) орқали амалга оширилади;

корхонани ихтиёрий тугатишнинг умумий муддати рўйхатдан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилинган кундан бошлаб олти ойдан ошмаслиги керак;

б) тадбиркорлик субъектлари — жисмоний шахслар фаолиятини тўхта-тишда ариза берувчи томонидан давлат солиқ хизмати органининг солиқ-лар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисидаги хулосасини олиш талаб этилмайди;

в) молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатишда:

корхонани молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган деб ҳисоблаш учун асос бўладиган муддат тўққиз ойни ташкил этади;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналар давлат солиқ хизмати органининг тақдимномасига асосан рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан уч йил муддатга ҳаракатсиз режимга ўтказилади;

ҳаракатсиз режимга ўтказилган корхоналар фаолияти уч йил давомида тикланмаган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи орган уларни Тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат реестридан чиқаради.

3. Белгилаб қўйилсинки, Тизимга уланган давлат органлари ва бошқа ташкилотлари томонидан тегишли ахборотларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли тарзда киритилишини таъминламаслик давлат хизматлари кўрсатилишининг белгиланган тартибини бузиш деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Тизимга уланган давлат органлари ва бошқа ташкилотлари томонидан тегишли ахборотлар ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли тарзда киритилиши устидан, шу жумладан Тизим орқали доимий назорат ўрнатсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўз-архив» агентлиги бир ой муддатда ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳужжатларини қабул қилишда архив хизматларининг амалдаги норматив бўйича аниқланадиган нархларини икки баробаргача пасайтириш чораларини кўрсин ҳамда натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривож-

лантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда Тизимни мазкур Фармон талабларига мослаштириш, манфаатдор давлат органлари ва ташкилотларининг унга уланишларини ташкил этиш бўйича молиялаштириш манбалари аниқ кўрсатилган чора-тадбирлар дастурини;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ҳамда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан уч йил муддатга ҳаракатсиз режимга ўтказиш, фаолияти уч йил давомида тикланмаган тақдирда уларни Тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат реестридан чиқаришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаларини;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2020 йил 1 январдан эътиборан иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 июнь,
ПФ-5739-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**428 Тошкент шаҳрида «МЭИ» миллий тадқиқот университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида***

Республиканинг энергетика тармоғи учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, 2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича келишувларни амалга ошириш юзасидан амалий тадбирлар режаси («Йўл харитаси»)ни ижро этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, «МЭИ» миллий тадқиқот университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) (кейинги ўринларда — Университет) Тошкент шаҳрида «МЭИ» миллий тадқиқот университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатимиз энергетика тармоғи учун таълим дастурлари ва олий таълим сифатига қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқ юқори малакали муҳандис-техник кадрларни тайёрлаш;

замонавий таълим дастурлари ва ўқитиш шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини, илм-фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини татбиқ этиш, ўқув-педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш;

энергетика, электротехника, иссиқлик техникаси соҳасида фундаментал, амалий илмий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш, электр жиҳозлари ва тизимларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, электр энергетикаси тизимларининг тежамкорлиги, ишончилиги ва барқарорлигини оширишга йўналтирилган инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

илм-фан ва таълим сифатини, узлуксизлиги ва узвийлигини ошириш, жаҳон таълими ва илмий ҳамжамиятига мақсадли интеграциялашув орқали мутахассислар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, таълим, илмий-тадқиқот ва саноат ишлаб чиқариш фаолиятининг узвий интеграцияси учун шарт-шароитлар яратиш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 июнда эълон қилинган.

таълим ва илмий-техник соҳаларда хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

шартнома асосида энергетика тармоғи ташкилотларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ва келишилган ҳолда талаб юқори бўлган бакалаврият таълими йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал Университетнинг алоҳида таркибий бўлинмаси — олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Филиал кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ва келишилган ҳолда бакалаврият таълимининг асосий йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича барча даражадаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, шу жумладан илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширади;

Филиалда таълим Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва таълим дастурлари асосида Россия Федерациясининг федерал таълим стандартларига мувофиқ рус тилида, кейинчалик бошқа тилларда ҳам амалга оширилади;

Филиалнинг таълим фаолияти 2019/2020 ўқув йилидан бошланади;

Филиалга абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан белгиланган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиал битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинган Университетнинг белгиланган намунадаги дипломи берилади;

Филиал фаолияти Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

4. Университет:

ўқув жараёнига илғор педагогик ҳамда ахборот технологияларини, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш;

Филиал мутахассисларининг малакасини ошириш ва профессор-ўқитувчилари таркибини қайта тайёрлаш;

Филиалнинг кутубхона фондини шакллантириш ҳамда уни замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий-техник адабиётлар билан тўлдиришга кўмаклашиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Қўйидагилар:

Тошкент шаҳридаги «МЭИ» миллий тадқиқот университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалида кадрлар тайёрлаш бўйича бакалаврият таълимининг асосий йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари 1-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳридаги «МЭИ» миллий тадқиқот университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалининг Васийлик кен-

гаши (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) таркиби 2-иловага* мувофиқ;

Тошкент шаҳридаги «МЭИ» миллий тадқиқот университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш бўйича Ташкилий комиссия (кейинги ўринларда — Ташкилий комиссия) таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

а) Филиалга қабул квоталари Университет, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Энергетика вазирлиги ташкилотлари, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг мутахассисларга нисбатан реал эҳтиёжини инобатга олган ҳолда, Васийлик кенгаши қарорига биноан тасдиқланади;

б) давлат гранти асосида таълим олган Филиал битирувчилари Васийлик кенгаши томонидан беш йилдан кам бўлмаган муддатга мажбурий ишлаб бериш учун республика энергетика тармоғи ташкилотларига тақсимланади;

в) Филиал фаолиятини молиялаштириш қўйдагилар ҳисобидан амалга оширилади:

талабаларни давлат грантлари бўйича ўқитиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, бироқ Филиалга ўқишга қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

Васийлик кенгаши қарорлари асосида шакллантириладиган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда мақсадли бадаллари;

халқаро молия институтлари, хорижий ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

г) Университет мутахассисларини жалб қилиш билан боғлиқ хизмат сафари харажатлари, Филиалдаги маҳаллий ўқитувчиларнинг стажировка ўташ ва малакасини ошириш харажатларини молиялаштириш «Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, Филиалнинг бюджетдан ташқари маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда мақсадли бадаллари ҳисобидан амалга оширилади;

д) Университетдан жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатлари учун тўлов:

30 кунгача бўлган қисқа муддатли хизмат сафарлари бўйича — Рос-

* 2-3-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сия Федерациясининг қонун ҳужжатларида олий таълим муассасалари ходимлари учун белгиланган нормаларга мувофиқ;

узоқ муддатли хизмат сафарлари бўйича — ўқув жараёни эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, тузиладиган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади;

е) Васийлик кенгашининг қарорига биноан Филиал ходимларига Васийлик кенгаши томонидан шакллантириладиган маблағлар ва Филиалнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан махсус ускуналар билан ишлаш кўникмасига эга, юқори малакали ходимлар учун шахсий устамалар белгиланиши мумкин;

ж) Филиал таъминоти учун бюджет ажратмалари 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган харажатлар параметрлари доирасида ажратилади, 2020 йилдан бошлаб эса мазкур соҳанинг йиллик харажатлар параметрларида назарда тутилади.

7. «Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг Филиални ташкил этиш, унинг моддий-техник ва ўқув базасини шакллантириш, шу жумладан Филиал учун ажратилган бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер ва оргтехника, адабиётлар ва кутубхона фонди, инвентарь, мебель ва бошқа моддий-техник воситалар билан жиҳозлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни қўйидаги нисбатларда ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

«Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ — 50 фоиз;

«Ўзбекгидроэнерго» АЖ — 50 фоиз.

8. Қўйидагилар оператив бошқарув ҳуқуқи асосида:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Мирзо Ғолиб кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Олмазор политехника ва стандартлаштириш касб-ҳунар коллежининг бино ва иншоотлари туташ ҳудуди билан бирга Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернатига берилсин;

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-3 манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг бино ва иншоотлари туташ ҳудуди билан бирга Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида берилсин ва кейинчалик ушбу жойда Филиал бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Белгилансинки, ҳозирги кунда Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернати биноларида таҳсил олаётган Тошкент банк коллежи ўқувчилари ўқиш тугагунга

қадар таълим жараёнини Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетига берилаётган бино ва иншоотларда, Олмазор политехника ва стандартлаштириш касб-хунар коллежи ўқувчилари эса Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернатига берилаётган бино ва иншоотларда давом эттиради.

9. Ташкилий комиссия (А. Султонов):

2019 йил 1 июлга қадар Филиалга тақдим этилаётган бино ва иншоотлар, шу жумладан ўқув-лаборатория корпуси ва спорт иншоотларининг реконструкция қилиниши, шунингдек, Филиал талабалари ва ўқитувчилари яшашлари учун ётоқхоналар тайёрланиши;

2019 йил 20 августга қадар Филиал жойлаштирилиши, Филиалга тақдим этилаётган бино ва иншоотларнинг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер ва оргтехника, адабиётлар ва кутубхона фонди, инвентарь, мебель ва бошқа моддий-техник воситалар билан жиҳозланишини таъминласин.

10. Филиалга ўқитувчилик ва илмий ишлар учун таклиф қилинадиган хорижлик профессор-ўқитувчиларнинг яшаш ҳамда транспорт харажатларини тузиладиган шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифларда тўлашга рухсат берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Университет, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖ билан ўзаро ҳамкорликда:

бир ой муддатда таъсис ҳужжатлари ишлаб чиқирилиши ва келишилиши, шунингдек, белгиланган тартибда Филиал давлат рўйхатидан ўтказилиши;

икки ой муддатда Филиал тузилмаси тасдиқланиши;

2019 йил 1 августга қадар Филиалнинг танлов асосида малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан тўлдирилишини таъминласин.

12. Филиалга тақдим қилинаётган бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, қуриш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш билан боғлиқ ишларнинг бажарилиши бўйича қуйидагилар:

«4-сон қурилиш дирекцияси» МЧЖ — буюртмачи;

«Гидролойиҳа» АЖ — бош лойиҳа ташкилоти;

«Tupalang HPD Building» УК — бош пудратчи ташкилот этиб белгилансин.

13. Филиалга иккита енгил автотранспорт, жумладан битта хизмат ва битта навбатчи автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда 2020 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини шакллантиришда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ «Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ, «Худу-

дий электр тармоқлари» АЖ ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖ маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган, Филиалга тақдим қилинаётган бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳалар белгиланган тартибда киритилишини таъминлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар таркиби ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар таркиби ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун давлат божи ундирилмасдан белгиланган тартибда кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда унинг муддати узайтирилишини таъминласин.

17. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан Филиал фаолиятини ташкил қилишда иштирок этадиган малакали хорижий мутахассисларни республикага жалб этиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, кўрсатиб ўтилган фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

18. 2022 йил 1 январга қадар Филиални реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиётлар, инвентарь, қурилиш материаллари ва моддий-техник ресурслар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июлдаги «Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисида»ги 557-сон қарорининг 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Энергетика вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 июнь,
ПҚ-4350-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 4 июндаги
ПҚ-4350-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Тошкент шаҳридаги «МЭИ» миллий тадқиқот университети»
Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалида
кадрлар тайёрлаш бўйича бакалавриат таълимининг асосий
йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари**

1. Электр энергетикаси ва электротехника
2. Иссиқлик энергетикаси ва иссиқлик техникаси

Изоҳ: бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) рўйхатига буюртмачи ташилотлар эҳтиёжларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «МЭИ» миллий тадқиқот университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси билан келишган ҳолда Филиалнинг Васийлик кенгаши томонидан ўзгартириши ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**429 Аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасида иш-
лар самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида***

Республикада шаҳарлар, туман марказлари, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларига замонавий қиёфа бахш этиш мақсадида, шу жумладан республика туманлари ва шаҳарларидаги мавжуд ободонлаштириш масалалари бўйича ташкилотлар (бўлинмалар) негизда ободонлаштириш бошқармаларини ташкил этиш йўли билан ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан изчил чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларининг моддий-техник жиҳатдан етарлича таъминланмаганлиги ва жиҳозланмаганлиги, малакали кадрлар етишмаслиги, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлашнинг паст даражада эканлиги, давлат-хусусий шериклик сушт жорий этилганлиги, шунингдек, ушбу соҳада таъсирчан жамоатчилик назоратининг йўқлиги аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасида комплекс чора-тадбирлар кўрилишини тақозо этмоқда.

Аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида, шунингдек, «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ:

1. Қуйидагилар ободонлаштириш соҳасида ишларни ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

аҳоли пунктлари ҳудудларини ободонлаштириш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш, ободонлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий база, стандартлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ва янгилаш;

тасдиқланган стратегиялар асосида шаҳарларнинг кўча-йўл ва жамоат жойларини комплекс ривожлантиришни таъминлаш, ҳудудларни ободонлаштириш масалаларига кенг жамоатчиликни жалб қилиш;

ободонлаштириш соҳасида давлат маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизмларини босқичма-босқич жорий қилиш;

ободонлаштириш бошқармаларининг куч ва ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг ишини оптималлаштириш, қўл меҳнатини камайтириш, юзага келаётган муаммоларга тезкорлик билан муносабат билдиришга, шунингдек, самарали, шу жумладан жамоатчилик назоратини таъминлашга йўналтирилган инновацион ечимларни жорий қилиш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 июнда эълон қилинган.

ободонлаштириш соҳаси ходимларига муносиб меҳнат шароитларини яратиш, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш даражасини ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳудудларни ободонлаштириш соҳасидаги муаммолар ўрганиш ва методологик таъминлаш учун масъул орган этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида меъёрий базани такомиллаштириш бошқармаси тегишли равишда вазирлик марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сонини кўпайтириб, 2 нафар қўшимча штат бирлиги ажратилган ҳолда Уй-жой коммунал хўжалиги ва ҳудудларни ободонлаштириш соҳаларининг методологик базасини такомиллаштириш бошқармасига айлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликларидан жойларда ҳудудларни ободонлаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида зарур ахборотни сўраб олиш ҳуқуқи берилсин.

3. Қуйидагилар:

2019-2020 йилларда ободонлаштириш соҳасида ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 1-иловага* мувофиқ;

2020 — 2024 йиллар даврида туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларини махсус техника ва механизмлар билан жиҳозлашнинг йиғма параметрлари ва параметрлари (кейинги ўринларда — жиҳозлаш параметрлари) 2 ва 2а-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йилдан бошлаб ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари параметрларини шакллантиришда тасдиқланган «Йўл харитаси»ни ва жиҳозлаш параметрларини молиялаштириш учун маблағларни назарда тутсин.

5. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб:

а) қуйидагиларга:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бош бошқармаси ва Мустақиллик майдонини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва сақлаш департаменти, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бош бошқармасининг ихтисослаштирилган бошқармалари (Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасидан ташқари) ходимларига — ойлик тариф ставкасининг (лавозим маошининг) 30 фоизи миқдо-
рида;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бош бошқармасининг Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси, Тошкент шаҳри туманларининг ободонлаштириш бошқармалари, Нукус шаҳри ва шаҳарлар —

* 1, 2-2а-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вилоят марказлари ободонлаштириш бошқармалари, вилоят (Қорақалпоғистон Республикасида — республика) бўйсунувидаги шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари ходимларига — ойлик тариф ставкасининг (лавозим маошининг) 15 фоизи миқдорида устама белгиланади;

б) ободонлаштириш бўлинмалари ходимларига овқатланиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида компенсация тўланади;

в) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг туман ва шаҳар ободонлаштириш бошқармалари ходимлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тармоқ тариф сеткасига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари Тошкент шаҳри туманларининг ободонлаштириш бошқармалари ва Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси ходимлари учун назарда тутилган миқдорда белгиланади;

г) фаолияти ҳайвонларнинг жасадларини зарарсизлантириш ва утилизация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган ободонлаштириш бошқармаларининг назоратсиз ҳайвонларни тутиш бўлимлари ходимларига меҳнатнинг зарарли шароитлари учун — лавозим маошига 20 фоиз миқдорида устамалар белгиланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар:

шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар ва кекса ёшдагилар учун қулай муҳит яратишни назарда тутган ҳолда ободонлаштириш соҳасидаги стандартлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини;

тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқишга очиқ танловлар ўтказиш йўли билан кўча-йўл ҳудуди, истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бульварлар ташкил этиш тамойилларини жорий этиш, ёритиш элементлари, меъморий шакллари жойлаштириш, кўкаламзорлаштириш, одамлар учун қулай ҳудудлар яратиш, йўловчилар ва велосипедлар ҳаракатланишини ривожлантириш учун шарт-шароитларни такомиллаштиришни назарда тутувчи «одамлар учун шаҳар» ва «яшил шаҳар» моделларининг элементларини қўллаган ҳолда, ҳудудларни ободонлаштиришнинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва янгилашни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қуйидаги имкониятларни берувчи «Обод ҳудуд» ахборот тизимини яратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

фуқаролар томонидан ободонлаштириш соҳасидаги мавжуд муаммолар бўйича мурожаатлар юбориш ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, улар учун қайта алоқани, шу жумладан бажарилган иш натижаларини «аввал» ва «кейин» форматида таққослаш имкониятини таъминлаш;

аҳоли билан ҳамкорликда ободонлаштириш ишларини режалаштириш, бунда мавжуд моддий ресурслар ва инфратузилма имкониятларидан самарали ва оқилона фойдаланишни ҳисобга олиш;

фуқаролар билан ҳудудларни ободонлаштириш ҳолати тўғрисида ахборот алмашиш, қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш объектлари бўйича таклифларни йўналтириш орқали уларни ободонлаштириш лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилиш;

ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария ҳолатидан келиб чиқиб ҳудудлар рейтингини белгилаш;

махсус онлайн-майдончада лойиҳалаштириш ва ободонлаштириш бўйича йўриқномалар ва қўлланмалар, ҳудудларни ободонлаштиришнинг намунавий лойиҳалари, шунингдек, стандартлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини жойлаштириш.

8. Қуйидагилар:

«Обод ҳудуд» ахборот тизимини яратиш бўйича буюртмачи этиб Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;

«Обод ҳудуд» ахборот тизимини яратиш, техник қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ишларни молиялаштириш манбалари этиб Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда «Обод ҳудуд» ахборот тизимини яратиш ва ишга туширишни ташкиллаштириш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда ҳар бир туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармасида ягона рақам бўйича чақириш тизимини жорий этган ҳолда диспетчерлик хизматларини ташкил этсин ва ушбу тадбирларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгиласин.

10. Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларига жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳудудларни ободонлаштириш хизматларини кўрсатиш, ободонлаштириш соҳасида товарлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича шартномалар тузиш, шунингдек, соҳага ихтисослашган тижорат ташкилотлари (хўжалик бирлашмалари) иштирокчилари таркибига кириш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки:

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳудудларни ободонлаштириш хизматларини кўрсатиш бўйича буюртманомалари «Обод ҳудуд» ахборот тизими ёки ягона рақам бўйича ободонлаштириш бўлинмаларини чақириш тизими орқали қабул қилинади;

ҳудудларни ободонлаштириш хизматларини кўрсатганлик учун тушадиган маблағлар бевосита тегишли ободонлаштириш бўлинмаларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисоб рақамларига ўтказилади.

11. Шундай тартиб жорий қилинсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб:

шаҳар кўчаларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-

смета хужжатлари параметрларида ушбу кўчаларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш (ирригация тармоқлари, ёритиш элементлари, кўкаламзорлаштириш, йўлаклар, ахлат қутилари, кичик меъморий шакллар ва бошқалар) бўйича комплекс тадбирлар мажбурий тартибда назарда тутилади;

йўл қатлами ва ободонлаштиришнинг бошқа объектлари остида жойлашган ер ости муҳандислик коммуникацияларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш қўшма графиклар асосида ободонлаштириш объектларида лойиҳа ва пудрат ишлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилади;

янги қурилган объектларни, реконструкция қилинган ва капитал таъмирланган бинолар ёки иншоотларни туташ ҳудудларни ободонлаштирмасдан туриб фойдаланишга қабул қилиш тақиқланади.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг пойтахтда, эксперимент тартибида, жаҳоннинг йирик шаҳарларида муваффақиятли қўлланилаётган жараёнларни бошқариш ва автоматлаштиришнинг замонавий тизимларини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимига эксперимент доирасида:

Ободонлаштириш бош бошқармаси, туманларнинг ободонлаштириш бошқармалари тузилмаларини, туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

2019-2020 йиллар даврида Тошкент шаҳрини ободонлаштириш тизими-ни ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва кейинчалик амалга оширишга энг яхши таклифларни танлаш йўли билан манфаатдор ташкилотлар, шу жумладан хорижий ташкилотларни жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

2019 йил 1 октябрга қадар давлат-хусусий шериклик шартларида ободонлаштириш бўйича ишларни ва хизматларни ташкил этиш учун ҳудудларни бериш имкониятини ўрганиб чиксин ва зарур ҳужжатларни тайёрласин;

2019 йил 1 декабрга қадар камида бешта шаҳар ва туманларда давлат-хусусий шериклик шартларида ободонлаштириш бўйича ишларни ва хизматларни ташкил этиш учун ҳудудларни бериш чораларини кўрсин;

ижобий тажриба яқунлари бўйича уни кейинчалик бутун республика ҳудудида жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрласин.

14. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

юрidik ва жисмоний шахслар — аҳоли пунктидаги бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки улардан фойдаланувчилар, шу жумладан, ижарага олувчилар ўзига бириктирилган ҳудудни ободонлаштириш ишлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун масъул ҳисобланади;

ободонлаштириладиган ҳудуднинг майдони маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади. Бунда бириктирилган ҳудуд майдони тегишли ер участкаси майдонидан катта бўлиши мумкин эмас;

бириктирилган ҳудудни ободонлаштириш ишлари бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки улардан фойдаланувчилар томонидан белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг ташқи кўринишига қўйиладиган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

15. Қўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига парламент назорати доирасида Сенат мажлисларида тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари бўйича вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг ҳисоботларини эшитишда ободонлаштиришни ривожлантириш масалаларини ҳам кўриб чиқиш;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига бошқа оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда телерадиоканаллар эфирларида, босма ва интернет-нашрларда ҳудудларни ободонлаштириш соҳасидаги долзарб масалалар бўйича махсус рукнлар ва мавзуга оид материалларни мунтазам равишда жойлаштиришни ташкил қилиш тавсия этилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 июнь,
ПҚ-4351-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**430 Тошкент шаҳрида «Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида***

Республика иқтисодиётининг саноат тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш, олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, 2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича келишувларни амалга ошириш юзасидан амалий тадбирлар режаси («Йўл харитаси»)ни ижро этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» АЖ ва «Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) (кейинги ўринларда — Университет) Тошкент шаҳрида «Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин (кейинги ўринларда — Филиал).

2. Қуйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

республиканинг саноат тармоқларидаги муҳим илмий-технологик вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали муҳандис-техник кадрларни халқаро таълим стандартларига мувофиқ тайёрлаш;

наноматериаллар кимёвий технологияси, материалшунослик ва материалларни коррозиядан сақлаш, материалларга бадий ишлов бериш технологияси ва саноат ишлаб чиқаришининг бошқа соҳаларида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб бориш;

таълим ҳамда илм-фаннинг узлуксизлиги ва изчиллиги, шунингдек, уларни жаҳон таълими ва илм-фани ҳамжамиятига интеграция қилиш ҳисобига мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

муҳандис-техник ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилган янги таълим дастурлари ҳамда ўқитиш шакллари ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг яқин интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратиш;

илмий-педагогик салоҳиятнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш,

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 июнда эълон қилинган.

педагогик технологиялар ва ўқитиш усуллари фаол такомиллаштириш;

таълим ҳамда илмий-техникавий соҳаларда хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ва бизнес ҳамжамияти билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

3. Белгилансинки:

Филиал Университетнинг алоҳида таркибий бўлинмаси — олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Филиал, Университет билан келишган ҳолда, таълимнинг бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, барча даражалардаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, шу жумладан илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ишларини амалга оширади;

Филиалда ўқитиш рус тилида, Россия Федерациясининг федерал таълим стандартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлар асосида амалга оширилади;

Филиалнинг таълим фаолияти 2019/2020 ўқув йилидан бошланади;

Филиалга абитуриентларни қабул қилиш, таълим фаолияти ва Филиал битирувчиларини аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан белгиланадиган талаб, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиал битирувчиларига ўқишни битирганларидан сўнг Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинган белгиланган намунадаги диплом берилади.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) Университет қуйидагиларни таъминлашда кўмаклашади:

ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологиялари, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш;

Филиал мутахассисларининг малакасини ошириш ва профессор-ўқитувчилар таркибини қайта тайёрлаш;

Филиал кутубхона фондини шакллантириш ҳамда уни замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий-техникавий адабиётлар билан тўлдириш;

б) Тошкент кимё-технология институти Филиалнинг академик ҳамкори ҳисобланади ва у:

Филиалнинг профессор-ўқитувчилари таркибини шакллантиришга кўмаклашади;

илмий-методик ёрдам кўрсатади ва лаборатория ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун лаборатория хоналари, ўқув адабиётлари ва ускуналарни бегараз асосда тақдим этади.

5. Қуйидагилар:

Тошкент шаҳридаги «Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси фи-

лиалида кадрлар тайёрлаш бўйича бакалаврият таълимининг асосий йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари 1-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳридаги «Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалининг Васийлик кенгаши таркиби (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) 2-иловага* мувофиқ;

Тошкент шаҳридаги «Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш бўйича Ташкилий комиссия таркиби 3-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

6. Ташкилий комиссия:

2019 йил 1 августга қадар Филиални жойлаштириш бўйича бино ва иншоотлардаги зарур таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга оширсин, шунингдек, Филиал талабалари ва ўқитувчилари яшаши учун ётоқхона тайёрласин;

2019 йил 25 августга қадар Филиални жойлаштириш ҳамда уни зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, кутубхона фонди, компьютер ва бошқа оргтехника билан таъминлансин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) Филиалга қабул квоталари манфаатдор вазирлик ва идораларнинг тегишли кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, Университет ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, Филиал Васийлик кенгашининг қарори билан тасдиқланади;

давлат гранти асосида таълим олган Филиал битирувчилари республика ташкилотларига беш йилдан кам бўлмаган муддатга мажбурий ишлаб бериш шarti билан ишга тақсимланади;

б) Филиал фаолиятини молиялаштириш:

талабаларни давлат грантлари бўйича ўқитиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, бироқ Филиалга ўқишга қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

Васийлик кенгаши қарорлари асосида шакллантириладиган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда мақсадли бадаллари;

халқаро молия институтлари грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

8. Филиал Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-1 мавзеси, 47-уйда жойлашган Мирзо Улуғбек саноат касб-хунар коллежи биносига бепул фойдаланиш ҳукуқи асосида жойлаштирилсин.

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Белгилаб қўйилсинки, Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўқув жараёнини Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи биносида ўқишлари битгунга қадар давом эттирадилар.

9. «Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналарининг уларнинг маблағлари ҳисобидан Филиални ташкил этиш, унинг моддий-техника ва ўқув базасини шакллантириш билан боғлиқ ташкилий тадбирларни, шу жумладан бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва бошқа оргтехника, кутубхона фонди билан таъминлаш ишларини молиялаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

10. Белгилаб қўйилсинки, Филиалга Университетдан жалб қилинадиган профессор ва ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатлари ўқув жараёнининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

11. Филиалга ўқитувчилик ва илмий фаолият олиб бориш учун таклиф этиладиган хорижлик профессор-ўқитувчиларнинг яшаш ҳамда транспорт харажатларини тузиладиган шартномалар асосида, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифларда тўлашга рухсат берилсин.

12. Белгилансинки, Филиал таъминоти учун бюджет ажратмалари 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган харажатлар параметрлари доирасида ажратилади, 2020 йилдан бошлаб эса мазкур соҳанинг йиллик харажатлар параметрларида назарда тутилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Университет ва «Ўзкимёсаноат» АЖ билан ҳамкорликда:

икки ой муддатда таъсис ҳужжатлари ишлаб чиқиши ва келишилиши, Филиалнинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши ва унинг ташкилий тузилмаси тасдиқланиши;

2019 йил 1 августга қадар Филиалнинг танлов асосида малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан тўлдирилишини таъминласин.

14. Филиалга иккита енгил автотранспорт, жумладан битта хизмат ва битта навбатчи автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар таркиби ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар таркиби ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун давлат божи ундирилмасдан белгиланган тартибда кўп марталик

визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш манзиллари бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда унинг муддати узайтирилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини олиб бориш учун тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

18. 2022 йил 1 июнга қадар Филиал фаолиятини таъминлаш ва уни жиҳозлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-методик адабиёт, инвентарь ва моддий-техник ресурслар божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

19. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 июнь,
ПҚ-4352-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 7 июндаги
ПҚ-4352-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Тошкент шаҳридаги «Д.И. Менделеев номидаги Россия
кимё-технология университети» Федерал давлат бюджети
олий таълим муассасаси филиалида кадрлар тайёрлаш
бўйича бакалавриат таълимининг асосий йўналишлари ва
магистратура мутахассисликлари**

Бакалавриат таълим йўналишлари:

1. Материалшунослик, наноматериаллар ва нанотизимлар технологиялари;
2. Материалларга бадий ишлов бериш технологияси;
3. Синтетик биологик фаол моддалар, кимё-фармацевтика препаратлари ва пардоз воситалари технологияси;
4. Технологик жараён ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги.

Магистратура мутахассисликлари:

1. Материалшунослик ва материалларни коррозиядан сақлаш;
2. Наноматериаллар кимёвий технологияси.

Изоҳ: бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхатиغا Васийлик кенгаши томонидан буюртмачи ташилотларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳридаги «Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси билан келишилган ҳолда ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**431 Автомобиль транспортида юкларни халқаро ташиш-
ни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тад-
бирлар тўғрисида*****[Кўчирма]**

Кейинги йилларда автомобилда юкларни халқаро ташиш соҳасида хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш масалаларини тартибга солиш бўйича шартномавий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, миллий ташувчиларнинг катта ҳажмли юк автотранспорт воситалари паркини янгилаш ва модернизация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва транспорт хизматлари халқаро бозорида уларнинг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган салмоқли чора-тадбирлар кўрилди.

Шу билан бирга республиканинг ўсиб бораётган экспорт салоҳияти ва экспорт қилинадиган маҳсулотлар қийматида транспорт харажатларини мақбуллаштириш зарурати катта ҳажмли юк автотранспорт воситалари парки қувватини ошириш, маҳаллий ташувчилар фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилишини талаб этади.

Миллий ташувчиларнинг катта ҳажмли юк автотранспорт воситалари паркини янада янгилаш ва модернизация қилиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, ички ва ташқи бозорларда уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо фаолиятини транспорт-логистик таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2019 — 2021 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасидан автомобиль транспортида юкларни халқаро ташийдиган тадбиркорлик субъектларига қуйидагиларни беришни назарда тутувчи маҳаллий ва чет элда ишлаб чиқарилган катта ҳажмли юк автотранспорт воситалари, тиркамалар ва ярим тиркамаларни сотиб олишда миллий ташувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартибини жорий этиш:

тижорат банкларининг жалб этиладиган кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплашга, миллий валютадаги кредитлар бўйича — тижорат банклари томонидан белгиланган ставканинг 25 фоизи миқдорида, бироқ 5 фоизли пунктдан кўп бўлмаган миқдорда, хорижий валютадаги кредитлар бўйича — тижорат банклари томонидан белгиланган ставканинг 40 фоизи, бироқ 3 фоизли пунктдан кўп бўлмаган миқдорда компенсация бериш;

тижорат банкларининг кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизи-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 июнда эълон қилинган.

гача, бироқ 2 млрд сўмдан кўп бўлмаган миқдорда кафилик бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 — 2021 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ушбу бандда кўрсатилган мақсадлар учун зарур маблағларнинг босқичма-босқич ажратилишини таъминласин.

2. Белгилансинки:

ишлаб чиқарилган пайтидан бошлаб 4 йилдан ортиқ муддат ўтмаган катта ҳажмли юк автотранспорт воситалари, шунингдек, ишлаб чиқарилган пайтидан бошлаб 6 йилдан ортиқ муддат ўтмаган тиркамалар ва ярим тиркамалар тижорат банклари томонидан уларни кредитга сотиб олишда ҳар икки томоннинг розилиги билан гаров таъминоти сифатида қабул қилиниши мумкин;

солиқ солиш мақсадида йўл қўйилиши мумкин бўлган юқори массаси 12 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобиллари (самосваллардан ташқари), шатакчи автомобиллар, шунингдек, максимал массаси 10 тоннадан ортиқ бўлган тиркамалар ва ярим тиркамаларнинг йиллик энг юқори амортизация нормаси 10 фоизни ташкил этади;

миллий ташувчиларга сотиш учун катта ҳажмли юк автотранспорт воситалари, тиркамалар ва ярим тиркамаларни импорт қилиш техник топшириқларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУҚда мажбурий экспертиза қилмасдан ва рўйхатдан ўтказмасдан амалга оширилади.

3. Белгилансинки, битта автотранспорт воситаси ҳисобига юк ташиш бўйича хизматлар экспортдан бир йилда 20 000 АҚШ долларидан ортиқ тушум олган миллий ташувчиларга уларнинг аризаси бўйича халқаро ташишларда фойдаланиладиган ҳар бир автотранспорт воситасига чораклар бўйича тақсимланган рухсатномалар сони доирасида халқаро автомобилда ташишга аниқ бир давлатнинг 2 тагача рухсатномаси берилади.

Бунда, ташувчи томонидан олдинги ҳисобот йилида автомобилда халқаро ташишга олинган хорижий ва/ёки кўп томонлама рухсатномалар сонининг камида 70 фоизидан фойдаланилганлиги ушбу норма қўлланишининг мажбурий шarti ҳисобланади.

4. Хорижий ва (ёки) кўп томонлама рухсатнома берилганлиги учун йиғим миқдори рухсатнома берилган санада Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг тўртдан биригача пасайтирилсин.

5. Миллий ташувчиларга (резидентларга):

а) норезидентлардан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида нақд хорижий валютани транспорт экспедицияси шартномалари (юкларни ташиш) бўйича ҳақ тўлаш ҳисобига олишга, олинган суммани Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида очилган ўзининг хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамларига ўтказишга рухсат берилсин. Бунда, халқаро товар-транспорт юк хати халқаро ташишлар бажарилганлигининг тасдиғи ҳисобланади;

б) юкларни автомобилда халқаро ташийдиган ҳайдовчиларга хизмат

сафарида, шу жумладан, йўлда бўлган вақтда улар томонидан турар жой ижараси ва суткалик харажатларни ҳар бир сутка учун тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этмасдан умумий тўлов шаклида:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган вақт учун — белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизига;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлган вақт учун — 60 АҚШ долларига бўлган миқдорда қоплашга рухсат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда 2019 — 2021 йиллар даврида ишлаб чиқарилган пайтидан бошлаб 4 йилдан ортиқ муддат ўтмаган маҳаллий ва чет элда ишлаб чиқарилган катта ҳажмли юк автотранспорт воситалари, тиркамалар ва ярим тиркамаларни, шу жумладан, лизинг асосида сотиб олишни молиялаштириш учун ҳар йили хорижий молиявий институтларнинг камида 100 млн АҚШ доллари миқдоридаги узоқ муддатли кредит ресурсларини жалб этиш чора-тадбирларини кўрсин.

7. «JV MAN — Auto Uzbekistan» МЧЖ ҚК ва «MAN Truck and Bus AG» (Германия) компанияси ўртасида:

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган шатакчи автомобилларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш мақсадида улар қийматини оптималлаштириш доирасида автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш учун Германия томонидан бутловчи буюмлар ва узелларга 10 фоиз миқдорида чегирма берилиши;

ишлаб чиқарилган пайтидан бошлаб 4 йилдан ортиқ муддат ўтмаган, Европада ишлаб чиқарилган «MAN» русумли катта ҳажмли юк автотранспорт воситалари марказлаштирилган тартибда етказиб берилиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлақонли сервис хизмати таъминланиши тўғрисида ахдлашувга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. «Ўзавтосаноат» АЖнинг «JV MAN — Auto Uzbekistan» МЧЖ ҚК ва «UzAuto Trailer» томонидан ишлаб чиқарилган янги маҳсулотлар маҳсулот қийматига инфляция даражаси доирасида тузатиш киритиш имконияти билан икки йилгача муддат билан тўловни фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш шартларида сотиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига 1957 йил 30 сентябрда Женева шаҳрида имзоланган Хавфли юкларни автомобилда халқаро ташиш тўғрисидаги Европа битимига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши бўйича таклиф киритсин.

10. Молия вазирлиги Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига миллий ташувчиларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «Яшил харита» халқаро тизими бўйича суғурта полисларини сотиб олиш учун шарт-шароитларни назарда тутадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги икки ой муддатда Евро-3, Евро-4, ва Евро-5 стандартлари дизель ёқилғисини импорт қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш учун тадбиркорлик субъектларини ва хорижий компанияларни уларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилган ҳолда жалб этиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари автомобилда халқаро юк ташувчи миллий ташувчиларнинг буюртманомалари бўйича ҳаракатланадиган таркибни сақлаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъминлаш учун мўлжалланган автотранспорт корхоналарини жойлаштириш ва қуриш учун фойдаланилмаётган бинолар ва ишлаб чиқариш майдонларини, шунингдек, экин экиладиган ерлардан ташқари қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини белгиланган тартибда беришни таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Транспорт вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Логистика марказлари ва йўлбўйи инфратузилмаси объектларининг интеграциялаштирилган тармоғини ривожлантириш концепцияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича Тадбирлар режаси лойиҳаларини киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги:

икки ой муддатда юк ташишларнинг потенциал буюртмачиларини тизимли хабардор қилиш учун умумтарқалган электрон тизимларда фойдаланиладиган автотранспорт воситаларининг асосий тавсифлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган миллий ташувчиларнинг ягона реестри шакллантирилишини;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилишини;

олдин қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Н.С. Отажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 июнь,
ПҚ-4353-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 7 июндаги
ПҚ-4353-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги «2018 — 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3422-сон қарори 4-бандининг биринчи хатбошида:

«Автомобилларда халқаро юк ташишни амалга ошираётган» сўзлари «Йиллик тушумида халқаро юк ташиш хизматлари экспорти улуши 50 ва ундан юқори фоизни ташкил этадиган» сўзлари билан алмаштирилсин;

«транспорт-логистика компаниялари» сўзларидан олдин «товарларни ташишни ташкил этиш, омборга жойлаштириш, сақлаш, ишлов бериш ва тарқатиш билан шуғулланувчи» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги «Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3589-сон қарори 11-бандининг иккинчи хатбошида:

«мамлакатимизда ишлаб чиқарилиб» сўзлари «мамлакатимизда янги ишлаб чиқарилиб» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ундириладиган йиғимлар» сўзлари «автотранспорт йиғимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**432** Конгресс-кўргазма тадбирларини давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражаларда ташкил этиш ва ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасида халқаро конференциялар, кўргазмалар, ярмаркалар, форумлар ва бошқа тадбирларни сифатли ташкил этиш ва ўтказиш, мамлакатимизнинг хориждаги имижини янада ошириш, инвестиция, савдо-иқтисодий, дипломатик ҳамкорликнинг долзарб масалаларини, ташқи иқтисодий, ташқи сиёсий, маданий-гуманитар ва бошқа фаолият турлари йўналишларини муҳокама қилиш учун ягона майдонча яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги «Delta city» халқаро юқори технологияли инновацион маркази ҳудудида янги объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси» давлат унитар корхонаси негизига «InterForum» давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда — «InterForum» ДУК) ташкил этиш ва кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига ўтказиш;

«InterForum» ДУК таъсисчилигида «InterHotel» масъулияти чекланган жамиятини (кейинги ўринларда — «InterHotel» МЧЖ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар «InterForum» ДУКнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий фаолият, шунингдек, маданий-гуманитар, маънавий-маърифий ҳамда бошқа йўналишларда давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражаларда халқаро конгресс-кўргазма тадбирларини (кейинги ўринларда — тадбирлар) ташкил этиш ва ўтказиш;

белгиланган тартибда тадбирларни ахборот жихатдан таъминлаш, ўтказиладиган тадбирларни атрофлича ёритиш мақсадида, шу жумладан хорижий оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикасида тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар бўйича хорижий шериклар ва ишбилармон доиралар билан самарали мулоқотни ташкил этиш;

тадбирларни ўтказиш концепцияларида кўрсатилган ташкилий, техник ва логистик талабларни бажариш;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижда тадбирлар ташкил этиш ва ўтқа-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 июнда эълон қилинган.

зиш, шу жумладан медиа жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ўз ичига олган комплекс тижорат хизматларини кўрсатиш.

3. Белгилансинки:

«InterHotel» МЧЖ комплекс меҳмонхона хизматларини кўрсатиш мақсадида ташкил этилмокда;

«InterForum» ДУК «Халқаро ҳамкорлик маркази» ва «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма комплекси» акциядорлик жамиятларининг устав капиталларидаги (жамғармаларидаги) давлат акциялари (улушлари) пакетлари бўйича акциядор ҳуқуқини амалга оширади;

«InterForum» ДУК ушбу қарорнинг 9-банди биринчи хатбошисида назарда тутилган тадбирлардан ташқари, унга берилаётган объектлар қисми бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги «Delta city» халқаро юқори технологияли инновацион маркази ҳудудида янги объектларни куриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси» давлат унитар корхонасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда бинолар, иншоотлар ва бошқа мол-мулкларни, шу жумладан давлат акциялари (улушлари) пакетлари ўтказилишини, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги эса уларнинг қабул қилиб олинишини ҳамда келгусида мақсадли фойдаланилишини таъминласин.

4. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги «InterForum» давлат унитар корхонасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги «InterForum» давлат унитар корхонасининг бошқарув аппарати тузилмаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

а) «InterForum» ДУКнинг директори Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

б) «InterForum» ДУК ўзининг мустақил баланси, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида миллий ва хорижий валютадаги ҳисоб рақамлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва ўз номи туширилган муҳрга эга;

в) «InterForum» ДУКнинг соф фойдаси қисман Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг бюджетдан ташқари Ривожланиш ва моддий рағбатлантириш жамғармасига йўналтирилади;

г) қўйидагилар «InterForum» ДУКнинг маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

пуллик хизматлардан келиб тушадиган маблағлар;

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг грантлари ва кредитлари;

юридик ва жисмоний, шу жумладан хорижий шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

юридик шахсларнинг устав капиталидаги (жамғармасидаги) «InterForum» ДУКга тегишли акциялар (улушлар) пакетлари бўйича олинадиган даромадлар;

«InterForum» ДУКнинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

д) «InterForum» ДУК ва унинг таркибий тузилмасига кирувчи ташкилотларга тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур бўлган товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишга оид шартномаларни товарларни (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ёки уларнинг расмий дилерлари (дистрибьюторлари, субпудратчилари) билан шартномаларни белгиланган тартибда экспертизадан ўтказган ҳолда энг яхши таклифларни танлаш асосида тузишга истисно тариқасида рухсат этилади.

6. «InterForum» ДУК 2022 йил 1 январга қадар республикада ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда рўйхати шакллантириладиган материаллар ва бошқа товар-моддий бойликларни олиб киришда божхона божи тўловларидан озод этилсин.

7. «InterForum» ДУК Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107Б-уй манзилида бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

8. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, И. Каримов кўчаси, 1-уй ва Т. Шевченко кўчаси, 34а-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлар тутах ҳудуди билан бирга, шу жумладан уларда мавжуд мол-мулк Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги балансига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бир ой муддатда бинолар, иншоотларни туташ ҳудуди билан бирга, шу жумладан уларда мавжуд мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига ўтказилишини, вазирлик эса уларни қабул қилиб олинишини ҳамда келгусида мақсадли фойдаланилишини таъминласин.

9. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги «Тошкент шаҳрида «Delta city» кўп функцияли комплексини қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича масъул орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Д.Р. Ли ва Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артикходжаев бир ой муддатда «Posco E&C» компаниясининг (Корея Республикаси) ваколатли шахслари билан «Тошкент шаҳрида «Delta city» кўп функцияли комплексини қуриш» инвестиция лойиҳасини пойтахтнинг бошқа қисмида амалга ошириш бўйича музокаралар ўтказсин ва натижалар, шу

жумладан ушбу инвестиция лойиҳасини бошқариш механизмлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги «Тошкент шаҳрида «Delta city» халқаро юқори технологияли инновация маркази» лойиҳасини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3833-сон қарорининг 1, 3, 4, 5-бандлари ва 6-бандининг «б» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бир ой муддатда:

«InterForum» ДУК ва «InterHotel» МЧЖнинг уставлари белгиланган тартибда ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 июнь,
ПҚ–4355-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

433 Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Йўл ҳаракати барча иштирокчиларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун зарур шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2019 йил 9 апрелдаги 292-сон қарори билан куннинг ёруғ вақтида барча автотранспорт воситалари яқинни ёритувчи чироқларини ёки кундузги сигнал чироқларини ёқиб ҳаракатланиши шарт қилиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, 2021 йил 1 январга қадар:

а) куннинг ёруғ вақтида яқинни ёритувчи чироқларини ёки кундузги сигнал чироқларини ёқиб ҳаракатланиши шартлиги бўйича талаб автоматик ёниб турувчи кундузги сигнал чироқлари билан жиҳозланмаган автотранспорт воситаларига нисбатан татбиқ этилмайди;

б) куннинг ёруғ вақтида қуйидаги ҳолларда яқинни ёритувчи чироқлар ёқилиши керак:

транспорт воситалари ташкилий жамланма сафида ҳаракатланаётганда;

йўловчиларни ташиётган автобус ва йўналишли транспорт воситаларида;

болалар гуруҳини ташкилий ташишда;

хавфли, катта ўлчамли ва оғир вазнли юкларни ташишда;

механик транспорт воситаларини шатакка олишда (шатакка олиб кетаётган транспорт воситасида);

мотоцикл ва мопедларда.

3. 2020 йил 1 январдан шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

мамлакатда ишлаб чиқариладиган барча автотранспорт воситалари ички бозорга ишлаб чиқарувчи томонидан автоматик ёниб турувчи кундузги сигнал чироқлари билан жиҳозланган ҳолда чиқарилади;

республикага чет элдан импорт қилинадиган автотранспорт воситаларида кундузги сигнал чироқларининг мавжудлиги сертификациядан ўтказиш учун мажбурий техник талаб сифатида белгиланади.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 июнда эълон қилинган.

4. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти билан биргаликда икки ой муддатда Муомалага чиқарилаётган гилдиракли транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан ҳамкорликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига куннинг ёруғ вақтида автотототранспорт воситаларининг яқинни ёритувчи чироқларини ёки кундузги сигнал чироқларини ёқиб ҳаракатланмаганлиги учун жавобгарликни енгиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — транспорт вазири А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 июнь,
460-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**434 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика ҳудудларида «Business city» замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 августдаги ПҚ–3895-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика ҳудудларида «Business city» замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 августдаги ПҚ–3895-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

«Business city» замонавий ишбилармонлик марказлари ҳудудида жойлаштириш учун инвесторларнинг энг яхши инвестиция таклифларини танлаш ва уларга ер участкаларини бериш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

«Business city» замонавий ишбилармонлик марказлари ҳудудида инвесторларни танлаш ва жойлаштириш бўйича танлов комиссиясининг намунавий таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари тегишли туманлар ва шаҳарларда ташкил этиладиган «Business city» замонавий ишбилармонлик марказлари ҳудудида объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекциялари ташкил қилинишини ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — транспорт вазири А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Ганиев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 5 июнь,
461-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 июнда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 5 июндаги 461-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Business city» замонавий ишбилармонлик марказлари
ҳудудида жойлаштириш учун инвесторларнинг энг яхши
инвестиция таклифларини танлаш ва уларга ер
участкаларини бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом республика ҳудудларида ташкил этиладиган «Business city» замонавий ишбилармонлик марказлари (кейинги ўринларда «Business city» марказлари деб аталади) ҳудудида жойлаштириш учун инвесторларнинг энг яхши инвестиция таклифларини танлаш ва уларга ер участкаларини бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

«Business city» маркази — туман ва шаҳар марказларининг меъморий қиёфасини янада яхшилаш ва ободонлаштириш, уларнинг хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун жозибадорлигини ошириш, асосий туризм йўналишларида замонавий объектлар қуриш, шунингдек, кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг тегишли қарори асосида чегаралари аниқ белгиланган ҳолда ташкил этиладиган ҳудуд;

«Business city» маркази концепцияси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда маҳаллий ва хорижий лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган «Business city» марказининг батафсил қиёфасини ўзида акс эттирувчи бош режаси ва асосий кўрсаткичлари аниқ ёритилган маълумотнома;

дирекция — буюртмачи функцияларини бажариш, «Business city» марказлари ҳудудида объектлар қурилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган давлат унитар корхонаси;

«Business city» марказлари ҳудудида инвесторларни танлаш ва жойлаштириш бўйича танлов комиссияси (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланадиган намунавий таркибда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори асосида ташкил этиладиган коллегиал орган;

лойиҳа ташаббускори — таклиф этилган шартларда танловда қатнашиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган юридик ва жисмоний шахс;

ваколатли вакил — танловда иштирок этиш учун лойиха ташаббус-кори томонидан ишончномага асосан ваколат берилган жисмоний шахс;

«Business city» маркази инвестори — «Business city» маркази ҳудудида қурилиш ва (ёки) бошқа фаолиятни амалга оширадиган, белгиланган тартибда танловдан ўтган ҳолда «Business city» маркази инвестори мақоми оланган тадбиркорлик субъекти;

«Business city» маркази ҳудудида инвестициялаш тўғрисидаги битим (кейинги ўринларда инвестициялаш тўғрисидаги битим деб аталади) — дирекция билан инвестор (инвесторлар) ўртасида тузиладиган, томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайдиган битим;

«Business city» маркази лотлари — «Business city» маркази ҳудудида ер участкаларининг ишлаб чиқилган концепцияга мувофиқ тегишли бўлакларга ажратилган қисмлари;

танлов — белгиланган мезонлар ва шартлар асосида «Business city» марказлари ҳудудида инвесторларни танлаш ва жойлаштириш бўйича қатнашчилар томонидан тақдим этилган энг яхши инвестиция таклифларини танлаш жараёни;

инвестиция мажбуриятлари — «Business city» марказлари ҳудудида объектлар қурилиши бўйича инвестиция лойихасида назарда тutilган муайян мақсадларга эришиш учун инвесторнинг ўзи қабул қиладиган мажбуриятлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг тегишли туманлари ва шаҳарларида ташкил этиладиган «Business city» марказлари ҳудудида жойлаштириш учун инвесторларнинг энг яхши инвестиция таклифларини танлаш ва уларга ер участкаларини бериш ушбу Низомга 1-иловага* биноан схема бўйича амалга оширилади.

4. «Business city» марказлари ҳудудида инвесторларнинг энг яхши инвестиция таклифларини танлаш бўйича танловларни ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни ҳал этиш дирекцияга юкланади.

5. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-га, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

2-боб. «Business city» марказларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишиш тартиби

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан тегишли туманлар ва шаҳарларда «Business city» марказларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлар:

тегишли шаҳарни (туманни) ривожлантириш концепцияси ва тасдиқланган бош режасига мувофиқлиги;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мавжуд турар-жой, нотурар бино ва иншоотларни бузиш, ички муҳандислик ва транспорт коммуникацияларининг тармоқларини барпо этиш, умумий фойдаланиладиган жойларни ободонлаштириш учун энг кам сарф-харажатларни амалга ошириш имкониятидан келиб чиқиб, мазкур ҳудудларнинг чегараларини аниқ кўрсатган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига келишиш учун белгиланган тартибда киритилади.

7. Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар ва мудофаа саноати масалалари котибияти томонидан ўн кун муддатда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Курилиш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Давергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли хулосаларини олган ҳолда, «Business city» марказларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларни амалга ошириш истиқболлари ўрганиб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ахборот киритилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижобий кўрсатмаси асосида уч кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг тегишли туманлар ва шаҳарларда «Business city» марказларини ҳамда ушбу марказлар ҳудудида объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекциясини ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари қабул қилинади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан икки ой муддатда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Курилиш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли хулосалари асосида маҳаллий ва хорижий лойиҳа ташкилотлари томонидан «Business city» марказининг батафсил қиёфасини ўзида акс эттирувчи ва асосий кўрсаткичлари аниқ ёритилган концепцияси ишлаб чиқирилиши ҳамда келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилиши таъминланади.

10. Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар ва мудофаа саноати масалалари котибияти томонидан уч кун муддатда «Business city» марказинининг якуний концепцияси тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ахборот берилади ҳамда келишилади.

3-боб. Инвесторларнинг энг яхши инвестиция таклифларини «Business city» маркази ҳудудида жойлаштириш учун танлов ташкил этиш тартиби

11. Инвесторларнинг энг яхши инвестиция таклифларини «Business city» марказлари ҳудудига жойлаштириш бўйича танлов шартларини белгилаш мақсадида дирекция бир ой муддатда:

ер участкалари ва бошқа мол-мулк олиб қўйилиши, уй-жойлар, нотурар жой бино ва иншоотлар бузилиши сабабли мулкдорларга етказилган зарарларни қоплаш, ҳудудларни тозалаш, ер ишларини бажариш, муҳан-

дислик ва транспорт коммуникацияларининг майдондаги ички тармоқларини қуриш, умумий фойдаланиладиган ҳудудларни ободонлаштириш, реклама компаниялари ва тақдимот тадбирларини ўтказиш, шунингдек, маҳаллий, хорижий консалтинг ва архитектура компаниялари хизматлари учун зарур бўладиган харажатлар миқдорида аниқлик киритади;

жалб этилган лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган «Business city» марказининг якуний концепциясига мувофиқ танланган ҳудудни тегишли лотларга ажратади.

12. «Business city» маркази қурилиши учун танланган ҳудуднинг ишлаб чиқилган концепцияга мувофиқ ажратилган лотлари сони ва инвесторларга бериладиган ер участкалари ўлчамларига мутаносиб улушларда бўла-ниши лозим бўлган маблағлар миқдори белгиланган тартибда дирекция томонидан аниқлаштирилади ҳамда бир ҳафта муддатда комиссия муҳока-масида кўриб чиқиб, тасдиқланади.

13. Танловолди барча жараёнлар амалга оширилгандан сўнг беш кун муддатда дирекциянинг ўз расмий веб-сайтида «Business city» марказининг концепцияси жойлаштирилади.

Танлов ўтказилишидан камида ўттиз кун олдин маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида «Business city» маркази қурилиши бўйича танлов тўғрисида эълонлар жойлаштирилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ва-колатхоналари орқали «Business city» маркази қурилиши бўйича танлов тўғрисида хорижий давлатларда тарғибот ишлари амалга оширилади.

14. Танлов тўғрисидаги эълонда қуйидагилар кўрсатилади:

танловга қўйилган «Business city» маркази лотлари сони ва номлани-ши, ер участкаси жойлашган жойи ва ташқи-муҳандислик коммуникация тармоқларининг мавжудлиги;

танловни ўтказиш санаси, вақти ва жойи;

танлов учун инвестиция таклифларини қабул қилиш муддати (санаси ва вақтини кўрсатган ҳолда);

танлов ҳужжатлари намуналари ва танлов тўғрисида қўшимча ахборот-ни олиш мумкин бўлган манзил;

лойиҳа ташаббускори томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ҳуж-жатлар рўйхати;

инвестиция буюртманомасини тақдим этиш тартиби ва шакли.

15. Комиссия томонидан инвестиция буюртманомаларини танлаш очик танлов тарзида ўтказилади.

Дирекция танлов ўтказишни ташкил этади ҳамда инвестиция таклиф-лари кўриб чиқилишини мувофиқлаштириб боради.

16. Танловда Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар иштирок этишлари мумкин.

4-боб. Дирекцияга ҳужжатларни тақдим этиш тартиби

17. Лойиҳа ташаббускори ўз инвестиция таклифини «Business city»

худудига жойлаштириш учун мазкур Низомга 2-иловадаги* шаклга мувофиқ тўлдирилган буюртманомани дирекцияга тақдим этади.

18. Инвестиция буюртманомасига қўйидагилар илова қилинади:

«Business city» маркази худудига қурилиши режалаштирилаётган бино ва иншоотлар (кейинги ўринларда объект деб аталади) тақдимоти;

ваколатли давлат органи томонидан берилган юридик шахс (инвестор)-нинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки инвестор фаолиятини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;

охирги ҳисобот даври учун тегишли давлат солиқ органига тақдим этилган бухгалтерия баланси;

агар лойиҳани амалга ошириш учун янги юридик шахс ташкил этилса, ташкил этиладиган юридик шахс, шу жумладан унинг устав жамғармаси микдори ва таъсисчилари тўғрисида маълумот.

Дирекцияга тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ишончлилиги учун жавобгарлик лойиҳа ташаббускори зиммасига юкланади.

19. Инвесторнинг хоҳишига кўра ҳужжатлар дирекцияга хорижий тилда, шунингдек, мажбурий тартибда инглиз, ўзбек ёки рус тилларига таржимаси билан бирга тақдим этилади.

Инвестиция буюртманомаси унга илова қилинадиган ҳужжатлар билан бирга электрон почта орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда дирекцияга юборилиши ҳам мумкин.

20. Инвестиция лойиҳасининг тақдимотида қўйидаги асосий маълумотлар акс эттирилиши лозим:

а) қурилиши режалаштирилаётган объектда энергияни тежайдиган ҳамда юқори технологик материаллар ва маҳсулотлардан фойдаланиш ҳамда биноларнинг замонавий архитектура қиёфасини ҳисобга олган ҳолдаги тавсифи;

б) объект қурилиши лойиҳасининг дастлабки қиймати ва йўналиши;

в) келгусида объектнинг барқарор фаолият юритиши учун зарур бўладиган инфратузилма ва муҳандислик тармоқлари тўғрисида маълумот;

г) объектни самарали жойлаштириш ва қурилишни якунига етказиш учун зарур бўладиган ер майдони ва амалга ошириш муддати;

д) лойиҳанинг хусусиятидан келиб чиқиб, бошқа муҳим маълумотлар ҳам акс эттирилиши мумкин.

21. Дирекция лойиҳа ташаббускорининг буюртманомаси келиб тушган кундан бошлаб икки кун муддатда тақдим этилган ҳужжатларни мазкур Низомнинг 18- ва 20-бандларига мувофиқлигини кўриб чиқади.

Лойиҳа ташаббускори томонидан тақдим этилган ҳужжатлар бўйича эътирозлар мавжуд бўлмаган, тақдирда дирекция таклиф этилаётган инвестиция таклифини кўриб чиқиш бўйича комиссия раисига ахборот киритади.

Кўриб чиқиш натижасига кўра тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 18- ва 20-бандларида белгиланган талабларга номувофиқ бўлган, шунингдек, инвестиция лойиҳаси тўғрисида тўлиқ ахборот тақдим этилмаган ва (ёки) лойиҳа «Business city» маркази концепциясига номувофиқ бўлган тақдирда, ҳужжатлар дирекция томонидан бир иш куни муддатида

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қайта киритиш учун камчиликларни кўрсатган ҳолда лойиҳа ташаббускорига қайтарилади.

Лойиҳа ташаббускори кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатга қадар тегишли ҳужжатларни дирекцияга қайта киритиши мумкин.

22. Комиссиянинг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқиш учун лойиҳа тўғрисидаги ахборот варақасига инвестиция буюртманомаси ҳамда бошқа тегишли ҳужжатлар илова қилинади.

23. Лойиҳа ташаббускори инвестиция таклифлари бўйича танлов йиғилиши ўтказилгунга қадар ҳар қандай босқичда буюртманомани қайтариб олиш тўғрисида мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Агар дирекция буюртманомани қайтариб олиш тўғрисидаги мурожаатга икки кун муддатда жавоб йўлламаса буюртманома қайтариб олинган ҳисобланади. Қайтариб олинган буюртманомалар бўйича юридик ҳаракатлар тўхтатилади.

5-боб. Инвестиция буюртманомаларини комиссия томонидан кўриб чиқиш тартиби

24. «Business city» маркази ҳудудида инвестиция таклифларини жойлаштириш бўйича тақдим этилган буюртманомаларни кўриб чиқиш юзасидан комиссия йиғилиши эълонда белгиланган вақтда, заруратга кўра, дирекция таклифи асосида комиссия раиси томонидан белгиланадиган вақтда ўтказилади.

25. Дирекция комиссия йиғилишидан бир кун олдин йиғилишни ўтказиш вақти, жойи ва кўриб чиқиладиган масалалар тўғрисида комиссиянинг барча аъзоларини хабардор қилади.

26. «Business city» маркази ҳудудига жойлаштириш учун энг яхши инвестиция таклифларини танлаш қуйидаги мезонлар асосида аниқланади:
лойиҳанинг «Business city» маркази концепциясига мувофиқлиги;
лойиҳани амалга ошириш учун жалб этиладиган инвестиция миқдори;
объект қурилиши учун юқори технологик материаллар ва буюмлардан фойдаланиш даражаси;

лойиҳани амалга оширишда янги замонавий энергияни тежайдиган технологиялардан фойдаланган ҳолда, шунингдек, муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаш орқали яхлит экотизим яратиш.

27. Комиссия томонидан халқаро бизнес ривожланишининг замонавий тенденциялари ҳисобга олинган ҳолда, истисно тариқасида, салоҳиятли инвесторларнинг «Business city» маркази концепциясидан фарқ қиладиган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга рухсат берилиши мумкин.

28. Комиссиянинг энг яхши инвестиция таклифларини танлаш тўғрисидаги қарори комиссия аъзолари томонидан очиқ овоз бериш йўли билан оддий кўпчилик овоз асосида қабул қилинади ҳамда йиғилиш ўтказилгандан сўнг беш кун муддатда баённома билан расмийлаштирилади.

Мазкур қарор дирекция ва инвестор ўртасида «Business city» маркази ҳудудида инвестициялаш тўғрисида битим тузиш учун асос ҳисобланади.

29. Агар танлов ўтказиш муддатида фақат бир нафар инвестордан буюртманома келиб тушган бўлса, танлов бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади.

30. Комиссия томонидан ягона лойиҳа ташаббускорининг инвестиция таклифини «Business city» маркази концепциясига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги қўриб чиқилади ҳамда комиссиянинг ижобий қарори мазкур инвестиция таклифини «Business city» маркази ҳудудига жойлаштириш учун асос ҳисобланади.

6-боб. Инвестициялаш тўғрисидаги битимни тузиш тартиби

31. Дирекция комиссия баёни тасдиқлангандан сўнг беш кун муддатда инглиз, ўзбек ва рус тилларида инвестициялаш тўғрисида битим лойиҳасини тайёрлайди ҳамда қўриб чиқиш ва келишиш (имзолаш) учун инвестиция таклифи маъқулланган инвесторга юборади.

32. Инвестиция таклифи маъқулланган инвестор ва дирекция ўртасида инвестициялаш тўғрисида битим расмийлаштирилади ҳамда ушбу инвестор «Business city» маркази инвесторлари рўйхатига киритилади.

Агар лойиҳани амалга ошириш учун янги корхона ташкил этиш назарда тутилган бўлса, бу тўғрисида қисқа муддатда дирекцияга мазкур юридик шахсни «Business city» маркази инвесторлари рўйхатига киритиш ҳақида хабар берилиши лозим.

33. Инвестициялаш тўғрисидаги битим «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги ҳамда «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ бўлиши ҳамда қуйидаги асосий қисмлардан иборат бўлиши лозим:

лоyiҳанинг тавсифи ва архитектура қиёфаси;

инвестиция мажбуриятларининг миқдори ва бажариш муддатлари;

инвесторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

дирекциянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

лоyiҳанинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг ва техник назорат ўрнатилиши;

инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши бўйича ҳисобот топшириш тартиби;

ер участкалари ва бошқа мол-мулкларнинг олиб қўйилиши, уй-жойлар, нотураж жой бино ва иншоотларнинг бузилиши сабабли мулкдорларга етказилган зарарларни қоплаш, ҳудудларни тозалаш, ер ишларини бажариш, муҳандислик ва транспорт коммуникацияларининг майдондаги ички тармоқларини қуриш, умумий фойдаланиладиган ҳудудларни ободонлаштириш, реклама компаниялари ва тақдимот тадбирларини ўтказиш, шунингдек, маҳаллий, хорижий консалтинг ва архитектура компаниялари хизматлари учун зарур бўладиган харажатлар учун тўлов миқдори ва уларни тўлаш тартиби;

инвестициялаш тўғрисидаги битим қоидалари бузилганлиги учун тарафларнинг жавобгарлиги;

инвестициялаш тўғрисидаги битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

инвестициялаш тўғрисидаги битимнинг амал қилишини тўхтатиш;
низоларни ҳал этиш тартиби.

Айрим лойиҳаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, битимда алоҳида шартлар кўзда тутилиши мумкин.

34. Инвестициялаш тўғрисидаги битимнинг расмийлаштирилиши инвестор зиммасига ажратилаётган ер участкасига мутаносиб равишда тегишли маблағларни дирекция ҳисобрақамига ўтказиш бўйича мажбурият юклайди.

35. Заруратга кўра, инвестициялаш тўғрисидаги битимнинг алоҳида шартларини келишиш мақсадида дирекция ва инвестор ўртасида музокара-лар ўтказилиши мумкин.

36. Лойиҳа ташаббускори ва дирекция ўртасида «Business city» маркази ҳудудида инвестициялаш тўғрисида расмийлаштирилган битим белгиланган тартибда тегишли дирекцияда рўйхатга олинади.

Инвестициялаш тўғрисидаги битим рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

**7-боб. Инвесторларга объектлар қурилиши учун
ер участкалари бериш ва уларни «Business city»
марказлари ҳудудида жойлаштириш тартиби**

37. Инвестициялаш тўғрисидаги битим кучга кирган кундан эътиборан беш кун муддатда, агар битимда бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса, дирекция томонидан «Business city» маркази ҳудудидан қурилиш учун инвесторга ер участкаси бериш тўғрисида тегишлилигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига илтимосномалар киритилади.

38. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари дирекциянинг тегишли илтимосномалари келиб тушгандан сўнг бир ҳафта муддатда инвесторга режалаштирилган лойиҳа доирасида қурилишни амалга ошириш учун:

белгиланган инвестиция мажбуриятларини бажариш;

ер участкалари ва бошқа мулкларнинг олиб қўйилиши, ер ишлари бажарилиши, ички муҳандислик тармоқлари ва транспорт коммуникациялари қурилиши, умумий фойдаланишдаги ҳудудларни ободонлаштириш муносабати билан мулкдорларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб бериш шarti билан илтимосномада кўрсатилган муддатдан кам бўлмаган муддатга ер участкасини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

39. Бунда инвестиция лойиҳаси ташаббускори бўлган инвестор қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

объект қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда давлат экспертизасининг ижобий хулосасини олиш;

объект қурилиши бўйича пудрат ташкилотлари билан шартномалар тузиш;

қурилиш участкаси ҳудудини махсус тўсиқлар билан ўраб олиш ҳамда ҳудудда қурилиш ишлари олиб борилаётганлиги тўғрисида огоҳлантириш белгилари ўрнатиш;

курувчиларнинг қурилиш ҳудудида ишлаши учун қулай шароитлар яратиш; инвестиция шартномасида кўрсатилган, бажарилиши зарур бўлган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

40. Инвесторнинг шартнома асосида олган ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи шахсларга бериши тақиқланади.

8-боб. Комиссия фаолиятини ташкил этиш ва танлов натижаларини расмийлаштириш тартиби

41. Комиссия ўз фаолиятида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талаблари бузилган, танлов жараёнини бузган тил бириктириш ва олдиндан кўриб бўлмайдиган бошқа ҳолатлар аниқланган тақдирда, танлов ўтказишни тўхтатиш;

танлов натижасида инвестиция лойиҳалари маъқулланган лойиҳа ташаббускорларига «Business city» маркази инвестори мақомини бериш ҳамда уларни жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

«Business city» маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

дирекциянинг молия-хўжалик фаолияти бўйича йиллик ҳисоботини эшитиш ҳамда мавжуд муаммолар ечими юзасидан чора-тадбирларни белгилаш;

«Business city» маркази ҳудудидаги ер участкалари ўлчамларига мутаносиб улушларда инвесторлар томонидан тўланиши лозим бўлган маблағлар миқдорини белгилаш;

«Business city» маркази ҳудудида қурилиши тугалланган бино ва иншоотларни инвестициялаш тўғрисидаги битим талабларига мувофиқ фойдаланишга қабул қилиш.

42. Комиссия фаолиятига комиссия раиси раҳбарлик қилади, унинг ваколатига қуйидагилар киради:

комиссиянинг навбатдаги йиғилишини чақириш ва йиғилишнинг кун тартибини белгилаш;

комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш;

комиссия аъзолари зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш;

комиссия фаолиятини самарали ташкил этиш учун қонунчиликда тақиқланмаган бошқа вазифаларни бажариш.

43. Дирекция комиссия фаолиятини ташкил этиш мақсадида қуйидагиларни амалга оширади:

комиссия аъзолари, лойиҳа ташаббускорлари, инвесторлар, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг таклифлари асосида комиссия мажлиси кун тартибини шакллантириш ва келишиш учун комиссия раисига киритиш;

йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича зарур ҳужжатлар ва маълумотларни тайёрлаш ҳамда комиссия аъзоларига тақдим этиш;

комиссия мажлиси баёнларини юритиш ва баён лойиҳаларини комиссия аъзолари билан келишилишини таъминлаш;

комиссия қарорлари ижросини ташкил этиш;

комиссия қарорларининг ижро этилиши юзасидан доимий равишда комиссия раисига ахборот бериб бориш.

44. Комиссия мажлислари, заруратга кўра, шу жумладан ҳар ойда камида бир маротаба ўтказилиши лозим.

45. Комиссия йиғилишлари комиссия раиси, унинг йўқлигида эса — комиссия раиси ўринбосари томонидан ўтказилади.

Комиссия йиғилиши унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

46. Комиссиянинг «Business city» маркази ҳудудига жойлаштириш учун инвестиция таклифларини танлаш тўғрисидаги қарори танловда иштирок этган барча қатнашчилар, уларнинг таклифлари мазмуни кўрсатилган ҳолда йиғилиш баёни шаклида расмийлаштирилади.

47. Комиссия йиғилишининг баёни танлов ўтказилгандан сўнг уч кун муддатда барча комиссия аъзолари ва дирекция томонидан имзоланади ҳамда комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган йиғилиш баёнининг кўчирмаси дирекция томонидан икки кун муддатда барча комиссия аъзоларига, «Business city» маркази инвесторларига, улар томонидан вакил қилинган шахсларга ҳамда манфаатдор ташкилотларга юборилади.

Комиссия йиғилиши баёнининг асл нусхаси ва танлов билан боғлиқ барча ҳужжатлар комиссия дирекцияда сақланади.

48. Комиссия йиғилишининг «Business city» маркази ҳудудига жойлаштириш учун инвестиция таклифларини танлаш тўғрисидаги қарори йиғилишда иштирок этган комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози орқали қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссия раиси алоҳида масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида унинг аъзоларидан сўров орқали олинган муносабатлари асосида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

9-боб. Якунловчи қоидалар

49. Лойиҳа ташаббускорини «Business city» маркази инвестори мақоми бекор қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ихтиёрий ёки суд тартибида амалга оширилади, шунингдек инвестициялаш тўғрисидаги битимнинг бекор бўлишига асос бўлиб хизмат қилади.

50. Дирекция лойиҳа ташаббускори «Business city» маркази инвестори сифатида рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан чиқарилган кундан бошлаб бир иш куни ичида, бу ҳақда давлат солиқ органларини ва бошқа манфаатдор ташкилотларни, шунингдек рўйхатдан чиқарилган кунда дарҳол давлат божхона органларини хабардор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**435 Ташқи савдо операциялари бўйича тўлов интизомини мустаҳкамлашга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида***

Мамлакатимизда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ валюта сиёсатини либераллаштириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг валюта маблағларини эркин тасарруф қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш ҳамда тадбиркорларга валюта операцияларини амалга оширишда тенг шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, яратилаётган қулай шарт-шароитларга қарамасдан, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ташқи савдо шартномалари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тўлов интизом қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари ортиб бормоқда.

Хусусан, экспорт шартномалари бўйича хорижга жўнатилган маҳсулотлар (хизматлар) учун валюта тушуми ёки импорт шартномалари юзасидан амалга оширилган тўловлар ҳисобига маҳсулотлар (хизматлар) республикага белгиланган муддатда кириб келмаганлиги ташқи ҳақдорлик миқдорининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Импорт қилинган маҳсулотлар (хизматлар) учун хорижий ҳамкорларга тўловлар тегишли равишда расмийлаштирилмаганлиги ёки валюта маблағлари маҳсулотлар (хизматлар) экспорти учун хориждан келган бўнак сифатида расмийлаштирилиши оқибатида экспорт-импорт шартномалари бўйича «қарздорликлар» юзага келмоқда.

Ташқи савдо операциялари бўйича тўлов интизомини мустаҳкамлаш, муддати ўтган ташқи қарздорлик ҳолатларини ўрганиб бориш, уларни камайтириш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, асоссиз сақланиб турган қарздорликларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (кейинги ўринларда ТСОЯЭАТ деб аталади) ҳисобидан чиқариш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ташқи савдо шартномалари ва инвойслар бўйича маълумотларни ТСОЯЭАТга киритишни тубдан соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаларига бириктирилган хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо шартномалари юзасидан дебитор ва кредитор қарздорлигини камайтириш бўйича доимий фаолият юритувчи республика ишчи гуруҳи (кейин-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 июнда эълон қилинган.

ги ўринларда Республика ишчи гуруҳи деб аталади) 1-иловага* мувофиқ таркибда;

Худудий ва хусусий хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо шартномалари юзасидан дебитор ва кредитор қарздорлигини камайтириш бўйича худудий ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда худудий ишчи гуруҳлар деб аталади) 2-иловага* мувофиқ намунавий таркибда ташкил этилсин.

Ташқи савдо операциялари бўйича тўлов интизомини мустаҳкамлаш схемаси 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика Ишчи гуруҳига (Э. Ғаниев) Давлат солиқ қўмитасининг таклифлари асосида қарздорликларни ўрганиб чиққан ҳолда, ТСОЯЭАТдан чиқариш бўйича қарор қабул қилиш, Давлат солиқ қўмитасига унинг ижросини таъминлаш ваколати берилсин.

3. Республика ишчи гуруҳи (Э. Ғаниев):

бир ой муддатда жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, экспорт шартномалари бўйича валюта маблағларининг қонунчиликда белгиланган муддатларда республикага тушмаганлиги ҳамда тўловлар амалга оширилган импорт шартномалари бўйича белгиланган муддатларда товарлар республикага олиб кирилиб, «эркин муомала учун чиқариш» режимига расмийлаштирилмаганлиги, ишлар бажарилмаганлиги ва хизматлар кўрсатилмаганлиги сабабли вужудга келган ташқи қарздорликни ҳар бир субъект бўйича ўрганган ҳолда камайтириш чораларини кўрсин;

тегишли тармоқ ташкилотлари билан биргаликда икки ой муддатда хориждан бўнак тўловлари сифатида ўтказилган валюта маблағлари бўйича маҳсулотлар (хизматлар) экспорти ёки импорт қилинган маҳсулотлар (хизматлар) учун тўловлар амалга оширилмаганлиги сабабли ТСОЯЭАТда жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, қарздорлик билан ҳисобда турган шартномаларни тўлиқ хатловдан ўтказсин ҳамда асоссиз сақланиб турган қарздорликларни ҳисобдан чиқариш ҳақида қарор қабул қилсин;

экспорт шартномалари бўйича валюта маблағларининг республикага келиб тушиши ҳамда тўловлари амалга оширилган импорт шартномалари бўйича маҳсулотларнинг етказиб берилиши (хизматлар кўрсатилиши) устидан доимий мониторинг олиб борсин ва улар юзасидан қарздорликни сўндириш, шунингдек, ТСОЯЭАТда узоқ давр мобайнида ҳисобда турган шартномалар ҳолатини доимий таҳлил қилиб бориш ва зарур ҳолларда асоссиз сақланиб турган қарздорликларни ТСОЯЭАТдан чиқаришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаларига бириктирилган хўжалик юритувчи субъектларга ҳамда худудий ишчи гуруҳларга ижро учун юборсин ва уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатсин;

худудий ишчи гуруҳларнинг фаолиятини тизимли назорат қилсин;

ҳар чоракда камида бир маротаба зиммасига юкланган масалаларни муҳокама қилиб борсин ва тегишли қарорлар қабул қилинишини таъминласин.

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банки ва тижорат банклари Ҳисоб палатаси билан ҳамкорликда ТСОЯЭАТда жорий йилнинг 1 май ҳолатига қўра муддати ўтган дебитор ва бир йилдан ортиқ даврдан буён мавжуд бўлган кредитор қарздорлик билан ҳисобда турган шартномаларни тўлиқ хатловдан ўтказсин, асоссиз сақланиб турган қарздорликларни ТСОЯЭАТдан чиқариш ҳақида Республика ишчи гуруҳига таклифлар киритсин ҳамда келгусида бу борадаги ишларни доимий равишда амалга ошириб борсин.

5. Худудий ишчи гуруҳлар:

бир ой муддатда жорий йилнинг 1 май ҳолатига қўра, экспорт шартномалари бўйича валюта маблағларининг қонунчиликда белгиланган муддатларда республикага тушмаганлиги ҳамда тўловлар амалга оширилган импорт шартномалари бўйича белгиланган муддатларда товарлар республикага олиб кирилиб, «эркин муомала учун чиқариш» режимига расмийлаштирилмаганлиги, ишлар бажарилмаганлиги ва хизматлар кўрсатилмаганлиги сабабли вужудга келган ташқи қарздорликни ҳар бир субъект бўйича ўрганган ҳолда камайитириш чораларини кўрсин;

бир ой муддатда хориждан келган бўнак тўловлари учун маҳсулотлар (хизматлар) экспорти амалга оширилмаганлиги ёки импорт қилинган маҳсулотлар (хизматлар) учун тўловлар амалга оширилмаганлиги сабабли ТСОЯЭАТда жорий йилнинг 1 май ҳолатига ҳисобда турган шартномаларни худудий хўжалик юритувчи субъектлар билан алоҳида-алоҳида хатловдан ўтказсин ҳамда асоссиз сақланиб турган қарздорликларни ҳисобдан чиқариш бўйича таклифларни Республика ишчи гуруҳига киритсин;

экспорт шартномаларига қўра, валюта маблағларининг республикага тушиши ҳамда тўловлар амалга оширилган импорт шартномалари юзасидан маҳсулотларнинг етказиб берилмаганлиги (хизматларнинг кўрсатилмаганлиги) сабабли вужудга келган қарздорликни сўндириш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар ижросини сўзсиз таъминласин;

хориждан келган бўнак тўловлари учун маҳсулотлар (хизматлар) экспорти ёки импорт қилинган маҳсулотлар (хизматлар) учун тўловлар амалга оширилмаганлиги сабабли ТСОЯЭАТда узоқ давр мобайнида сақланиб турган қарздорликларни ҳисобдан чиқариш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар ижросини сўзсиз таъминласин;

ташқи савдо шартномалари бўйича вужудга келган ташқи қарздорликни сўндириш юзасидан аниқ таклифларни Республика ишчи гуруҳига мунтазам равишда киритиб борсин;

амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботларни ҳар ойда Республика ишчи гуруҳига киритиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ТСОЯЭАТ фаолиятига масъул давлат органи эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳар ой якуни билан Рес-

публика ва ҳудудий ишчи гуруҳларга ташқи савдо шартномалари бўйича муддати ўтган дебитор ва кредитор қарздорлик тўғрисидаги маълумотларни киритиб борсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

бир ой муддатда валюта назорати идоралари билан биргаликда муддати ўтган қарздорликка йўл қўйган хўжалик субъектларининг муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича амалий қўмаклашиш ҳамда қарздорликни сўндириш интизомини мустаҳкамлаш масаласини хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

икки ой муддатда ташқи иқтисодий фаолиятнинг ноҳалол иштирокчилари рўйхатини юритиш ва уларнинг олдига экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда фақат кафолатланган тўлов турларидан фойдаланиш талабини қўйиш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини вақтинча чеклашгача бўлган чораларни қўришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан мувофиқлаштирган ҳолда, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Марказий банк, ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда ТСОЯЭАТга мазкур қарордан келиб чиқадиган тегишли дастурий-техник ўзгартиришлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги Ҳисоб палатаси билан ҳамкорликда мазкур қарор талабларини ҳисобга олган ҳолда, ташқи савдо келишувларига идентификация рақамларини бериш тартибини назарда тутувчи Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги янги таҳрирдаги низом лойиҳасини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Фаниев ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 6 июнь,
464-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

436 «Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2766-2

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ–4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 29 февралдаги 11 ва 2016-08-сон «Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2766, 2016 йил 11 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 10-сон, 99-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 30 январдаги 9 ва 2017-05-сон «Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2766-1, 2017 йил

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 июнда эълон қилинган.

8 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 82-модда).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 21 май,
60-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 21 май,
219-30-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

437 «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларини тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2660-4*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ
буюраман:

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 июнда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 май,
63-сон

Келишилган:

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. МУСАЕВ

2019 йил 27 май

*Давлат божхона
қўмитаси раиси*

М. АЗИМОВ

2019 йил 27 май

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2019 йил 27 май

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 27 майдаги
63-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 9 февралдаги 8-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларини тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2660, 2015 йил 11 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 10-сон, 121-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 12 июлдаги

51-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларини тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2660-1, 2016 йил 28 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 30-сон, 372-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 17 ноябрдаги 157-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларини тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2660-2, 2017 йил 14 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 50-сон, 1236-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 9 мартдаги 60-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларини тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2660-3, 2017 йил 27 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 13-сон, 251-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

438 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1376-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 30 майдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 июнда эълон қилинган.

қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 январдаги 18-сон «Билет операцияларининг ягона электрон тизимини яратиш ва жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 18 апрелдаги 329-сон «Давлат театрлари ва концерт-томоша муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига асосан республика театр ва томоша муассасаларида чипталар бўйича ишларни юритишнинг янги тартиби жорий этилганлиги;

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 36-моддасига асосан янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги ҳуқуқий нормаларга зид бўлса ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб топилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб топилиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкига 2019 йил 29 апрелда қиритилган «Республика театр ва томоша муассасаларида чипталар бўйича ишларни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1376, 2004 йил 23 июнь) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 январдаги 18-сон «Билет операцияларининг ягона электрон тизимини яратиш ва жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 18 апрелдаги 329-сон «Давлат театрлари ва концерт-томоша муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқлаштириш ҳақидаги 1-6/33-725/8-сон тақдимнома талаблари бажарилмаганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг «Республика театр ва томоша муассасаларида чипталар бўйича ишларни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1376, 2004 йил 23 июнь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш ҳақида 2019 йил 22 майдаги 1146/02-10-сон хати;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 18-бандига асосан вазирлик ва идоралар томонидан Адлия вазирлигининг давлат рўйхатидан ўтказилган норматив ҳужжатларни қонунчиликка мувофиқ ҳолга келтириш ҳақидаги тақдимномаси бажарилмаган тақдирда Адлия вазирлиги меъёрий ҳужжатни давлат реестридан чиқаришга ҳақли

эканлиги ва бу меъёрий ҳужжатни юридик кучга эга эмас деб ҳисоблаш учун асос бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Маданият ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 23 апрелдаги 01/06-10-сон, 2-сон, 66-сон, 255-В-сон билан тасдиқланган «Республика театр ва томоша муассасаларида чипталар бўйича ишларни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1376, 2004 йил 23 июнь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 июнь,
242-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

439 Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
7 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3164*

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 23 июндаги 57-сон «Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2805, 2016 йил 1 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 26-сон, 325-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.
2019 йил 22 май,
76-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил
22 майдаги 76-сон буйруғига
ИЛОВА

**Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун
мўлжалланган Орфан дори воситалари
РЎЙХАТИ**

T/p	Дори воситасининг халқаро патентланмаган номи	Касалликларнинг халқаро таснифи бўйича касаллик гуруҳи	Касаллиқнинг номи (унинг синоними)	Касалликларнинг халқаро таснифи (КХТ-10) бўйича коди
1.	Дапсон	Лепра	Лепра (Ганзен касаллиги)	А-30
2	Тигазон			
3.	Клофазимин			
4.	Глюкантим	Лейшманиоз	Тери лейшманиози, висцерал лейшманиоз	В-55
5.	Метациклин			
6.	Рондомицин			
7	Доксилан			
8.	Хингамин			
9.	Кафаст	Ангиокератома	Фабри касаллиги (ангиокератома)	D-18
		Туғма диафрагмал чурра Локал склеродермия	Туғма диафрагмал чурра Локал склеродермия	Q79.0- L94 –
10.	Куриозин	Пенсигоид	Буллёз эпидермолиз	Q-81
11.	Аргосульфан			
12.	Парааминобензой кислота	- бошқа эпидермал қалинлашиш Овқат ҳазм қилиш тизими ва қорин бўшлиғига тегишли бошқа симптом ва белгилар	- бошқа эпидермал қалинлашиш Овқат ҳазм қилиш тизими ва қорин бўшлиғига тегишли бошқа симптом ва белгилар	L85 R19-
13.	Пенициламин	Вильсона-Конавалова синдроми	Вильсона-Конавалова синдроми	E 83.0
14.	Ганцикловир	цитомегалиовирус касаллик Криптококкоз	цитомегалиовирус касаллик Криптококкоз	B 25- B 45-
15.	Ралтегравир	Одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) томонидан чакирилган касаллик Одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) резистент штамлари	Одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) томонидан чакирилган касаллик, Одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) резистент штамлари	B 20-B 24
16.	Далутегравир			
17.	Даруновир			
18.	Атазанавир			
19.	Зидовудин			
20.	Ламивудин			
21.	Абакавир			
22.	Тенофовир			
23.	Эмтрицитабин			
24.	Рилпивирин			
25.	Эфавиренз			
26.	Невирарпин			
27.	Этраверин			
28.	Ритонавир			
29.	Элвигравир			
30.	Маравирок			
31.	Зидовудин + Ламивудин			
32.	Абакавир + Ламивудин			

T/p	Дори воситасининг халқаро патентланмаган номи	Касалликларнинг халқаро таснифи бўйича касаллик гуруҳи	Касалликнинг номи (унинг синоними)	Касалликларнинг халқаро таснифи (КХТ-10) бўйича коди
33.	Эмтрици табин + Тенофовир			
34.	Ламивудин + Тенофовир			
35.	Эфавиренз + Эмтрици табин + Тенофовир			
36.	Эфавиренз + Ламивудин + Тенофовир			
37.	Рилпивириин + Эмтрици табин + Тенофовир			
38.	Лопинавир + Ритонавир			
39.	Дарунавир+ Комбидистат			
40.	Атазанавир+ Комбидистат			
41.	Атазанавир+ Ритонавир			
42.	Элвипегравир + Кобидистат + Эмтрици табин + Тенофовир			
43.	Коартем	Безгак	Безгак	B 52
44.	Такролимус	Буйрак кўчириб ўтказилгандан кейинги ҳолат	Буйрак кўчириб ўтказилгандан кейинги ҳолат	Z94
45.	Микофенолат натрия	Буйрак кўчириб ўтказилгандан кейинги ҳолат	Буйрак кўчириб ўтказилгандан кейинги ҳолат	Z94
46.	Базили ксимаб	Буйрак кўчириб ўтказилгандан кейинги ҳолат	Буйрак кўчириб ўтказилгандан кейинги ҳолат	Z94
47.	Примахин	Pl. Malariae, Pl. Falciparum	Безгак	B 53
48.	Хинидин			
49.	Хлорохин			
50.	Хинин			
51.	Атреметр			
52.	Артесунат			
53.	Лариам			
54.	Фансидар			
55.	Амбизом			
56.	Пентостам			
57.	Липосомалли Амфотерицин В	Замбурут	Замбурут	B 55
58.	Антилимфоцитар глобулин А	Апластик анемия	Апластик анемия	D 61
59.	Паромомицин сульфат	Лейшманиоз	Лейшманиоз	B 55
60.	Интерферон бета	Болаларда учрайдиган бурун-ҳалқум хавфли ўсмалари	Бурун-ҳалқум хавфли ўсмаси (назофаренгиал карцинома)	C 11
61.	Мелфалан	Болаларда учрайдиган кўз ва унинг ёндош аппарати, тўр парда хавфли ўсмалари	Тўр парда хавфли ўсмаси (ретинобластома)	C 69.2
62.	Митотан	Буйрак усти беги хавфли ўсмаси	Буйрак усти беги хавфли пўстлоқ қисми хавфли ўсмаси	C 74.0
63.	Ломустин	Бош мия хавфли ўсмалари, хавфли лимфомалари	Бош мия хавфли ўсмалари, хавфли лимфомалари	C 71
64.	Нимустин			

T/p	Дори воситасининг халқаро патентланмаган номи	Касалликларнинг халқаро таснифи бўйича касаллик гуруҳи	Касалликнинг номи (унинг синоними)	Касалликларнинг халқаро таснифи (КХТ-10) бўйича коди
65.	Адцетрис	Лимфопротифера ив касалликлар	Ходжкин лимфомаси	C 80
66.	Цетуксимаб	Бош-бўйин хавфли ўсмалари	Бош-бўйин (оғиз, бурун, ҳалқум бўшлиқ- лари) хавфли ўсмалари	C 00-C 14
67.	Пропидия хлорид	Саркома Капоши	Саркома Капоши	C 46
68.	Аллитретинин			
69.	Азацитидин			
70.	Аспарагиназа			
71.	Бендамустин			
72.	Бортезомиб			
73.	Идарубицин			
74.	Иматиниб			
75.	Кладрибин			
76.	Мофетила микофенолат			
77.	ПЭГАСпарагиназа	Миелоид қон яратувчи ва уларга яқин бўлган тўқималар хавфли ўсмалари, Лимфоид, қон ишлаб чиқарувчи ва уларга яқин бўлган тўқималар хавфли ўсмалари, Лимфоид лейкози	Лимфоид лейкози (лимфолейкоз), Миелом касаллиги, сурункали миелолейкоз, ўткир лейкозлар, хрон сочлик лейкоз	C 88, C 90, C 91 . C 92, C 92.1, C 92.4, C 93, C 94, C 95, C 96, C 91.4
78.	Третиноин	Лимфоид лейкози (лим- фолейкоз), қон ишлаб чиқарувчи ва уларга яқин бўлган тўқималар хавфли ўсмалари	Ўткир лимфобласт лейкози, ўткир лейкозлар	C 92.4
79.	Дефероксамин	Гемолитик кам қонлик- лар, Қон ва қон яратувчи органлар касалликлари ва иммун механизми жалб этувчи айрим бузилишлар	Альфа-талассемия, бета-талассемия, дельта-бета-талассемия, Апластик камқонликлар	D 56, D 61
80.	Дефазирокс			
81.	Анти timocitar глобулин			
82.	Циклоспорин			
83.	Анти timocitar иммуноглобулин (АТГ)	Қон ва қон яратувчи органлар касалликлари ва иммун механизми жалб этувчи айрим бузилишлар	Апластик камқонликлар	D 61
84.	Тирозин киназа ингибиторлари	Миелоид, қон ишлаб чиқарувчи ва уларга яқин бўлган тўқималар хавфли ўсмалари	Сурункали миелолейкоз	C 92.1
85.	Интерферон альфа			
86.	Тасигна			
87.	Спрайсел			
88.	Вилате			
89.	Одам лейкоцитар интерферони			
90.	Метилпреднизолон	Қон ва қон ишлаб чиқа- рувчи органлар касаллик- лари ва иммун механиз- ми жалб этувчи айрим бузилишлар	Идиопатик тромбоцитопеник пурпура	D 69.3
91.	Имiglucosepaza		I тидаги Гоше касаллиги	D 80, E 75.2
92.	Леналидомид	Миелоид, қон ишлаб чиқарувчи ва уларга яқин бўлган тўқималар хавфли ўсмалари	Миелодиспластик синдром	D 46
93.	Митоксантрон	Лимфоид, қон ишлаб чиқарувчи ва уларга яқин бўлган тўқималар хавфли ўсмалари	Ўткир лейкозлар	C 88.0- C 92.4-92.0
94.	Азоцитидин			
95.	Паливизумаб			
96.	Салофальк			
97.	Триентин	Крон касаллиги	Крон касаллиги	K 50
98.	Тетрагидромиобат	Вильсон-Коновалов касаллиги	Вильсон-Коновалов касаллиги	E 83.0
99.	Митоксантрин	Вильсон касаллиги	Вильсон касаллиги	E 83.0

T/p	Дори воситасининг халқаро патентланмаган номи	Касалликларнинг халқаро таснифи бўйича касаллик гуруҳи	Касалликнинг номи (унинг синоними)	Касалликларнинг халқаро таснифи (КХТ-10) бўйича коди
100.	Броми тоб	Муковисцидоз	Муковисцидоз	E 84
101.	Тобидорназар альфа			
102.	Дорназа-альфа			
103.	Тобрамицин (ингаляцион шакл)	Бошқа кўринишларга эга кистозли фиброз	Фиброз кистозининг мажмуавий шакли (муковисцидоз)	E 84,8
104.	Окрелизумаб	Тарқоқ склероз, Болаларда учрайдиган тарқоқ склероз	Тарқоқ склероз, Сил склерозининг комплекси (SEGA)	G 35
105.	Бозентан	Бирламчи ўпка гипертензияси	Идиопатик ўпка артериал гипотензияси	I 27.0
106.	Одам нф мал иммунглобулини	Пурпура ва бошқа геморрагик холатлар	Идиопатик тромбоцитопеник пурпура	D 69
107.	Азатиоприн	Тўқималар бирлашишининг тизимли зарарланиши	Вегенера Грануломатозининг микроскопик полиангити	M 35
108.	Метотрексат			
109.	Ибандрон кислотаси	Яқунланмаган остеогенез	Яқунланмаган остеогенез	C 88-C 90
110.	Циклоспорин А	Альпорт синдроми	Альпорт синдроми	Q 87.8
111.	Тренаксан	Геморрагик синдромлар	Гемафилия А, В, Виллебранд касаллиги	D 66, D 67, D 68
112.	Аминоглутетимид	Гипофиз гиперфункцияси	Кушинг синдроми	E 22 E 24
113.	Ланренотид		Акромегалия Кушинг синдроми	
114.	Каберголин			
115.	Парлодел			
116.	Растан			
117.	Нордитропин	Бошқа эндокрин касалликлар	Прадера-Вилли синдроми, Нунан Шерешевский-Тернера синдроми	Q 87.1 Q 96
118.	Кортизон		-	
119.	Глатирамер ацетат	Тарқоқ склероз	Тарқоқ склероз	G 35
120.	II VII VIII IX ва X қон коагуляция омилли	Гемофилия А, В, Виллебранд касаллиги	Гемофилия А, В, Виллебранд касаллиги	D 66, D 67, D 68
121.	Цитарабин	Милелоид лейкоз	Милелоид лейкоз	C 91-C 92
122.	Гидрокортизон	Адреногенитал бузилишлар	Ферментлар танқислиги билан боғлиқ бўлган туғма адреногенитал бузилишлар	E 25.0, E 27.1
123.	Кортинефф			
124.	Калцитриол	Сурункали буйрак етишмовчилиги, Витамин Д резистент рахит (фосфат диабет, буйрак рахити)	Сурункали буйрак етишмовчилиги, Витамин Д резистент рахит (фосфат диабет, буйрак рахити)	N 18, E 83.31
125.	Тоцилизумаб (Актема)	Систем бошланишли ёшлар артрити	Ювенил идиопатик артрит тизимли варианти	M 08.2 —
126.	Циклоспорин			
127.	Глекапревир (100 мг) + Пирбрентасвир (40 мг)	Вирусли гепатит	Сурункали вирусли гепатит С	B 18.2
128.	Ларонидаза (Альдуразим)	Мукополисахаридоз	I типдаги Мукополисахаридоз	E 76
129.		Бирламчи иммун тақислиги	Бирламчи иммун тақислиги	D 80.0 — D 84.0

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

440 Ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларининг генетик (нав) ва уруғ назоратини, лаборатория синовларини, сифати экспертиза қилинишини амалга оширишга доир қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3165

Ўзбекистон Республикаси «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги ПҚ–2966-сон «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 530-сон «Ўрмон хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларининг генетик (нав) ва уруғ назоратини, лаборатория синовларини, сифати экспертиза қилинишини амалга оширишга доир қоидалар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўрмон хўжалиги
давлат қўмитаси раиси**

Н. БАКИРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 апрель,
6-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг
2019 йил 29 апрелдаги 6-сон қарориға
ИЛОВА

**Ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларининг генетик
(нав) ва уруғ назоратини, лаборатория синовларини, сифати
экспертиза қилинишини амалга оширишга доир
ҚОИДАЛАР**

Мазкур уруғ ва нав назоратини ўтказиш қоидалари (бундан буён матнда Қоидалар деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси «Уруғчилик ҳақида»-ги Қонунининг 12-моддасига асосан ишлаб чиқилиб, ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларининг генетик (нав) ва уруғ назоратини, лаборатория синовларини, сифати экспертиза қилинишининг тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

ўрмон хўжалиги экинлари уруғликлари — ўрмон ва манзарали дарахтлар ҳамда доривор ўсимликларнинг экиш учун фойдаланиладиган уруғлари, мевалари, кўчатлари, қаламчалари, ўсимликнинг вегетатив йўл билан кўпайтириладиган қисмлари;

уруғликларнинг генетик (нав) сифати — муайян нав уруғлигининг генетик жиҳатдан софлигини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи;

уруғликларнинг экинбоплик сифати — уруғликларнинг экиш учун яроқлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи;

уруғликлар туркуми — келиб чиқиши ва сифати бўйича бир хил бўлган уруғликлар тўплами;

уруғчилик — уруғликларни етиштириш, сақлаш, реализация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек уруғликларнинг генетик (нав) ва экинбоплик сифатларини аниқлаш бўйича ўтказиладиган тадбирлар билан боғлиқ бўлган фаолият;

вегетация даври — ўсимликларнинг ривожланиш даври;

элита уруғликлар — оригинал уруғликларни изчил кўпайтириш йўли билан олинган уруғликлар;

лаборатория шароитида нав синаш — уруғликларнинг нав ва нав тозалигига мансублигини лаборатория шароитида синаб аниқлаш;

дала шароитида уруғликларни баҳолаш — уруғликларни махсус участкаларда экиб, уруғликларнинг қайси тур ва навга мансублиги ҳамда нав тозалигини аниқлаш;

нав назорати — ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларининг нав ва нав тозалигини, экиш ва ўстириш жараёнларини назорат қилиш;

дурагай уруғликлар — ирсияти ҳар хил навлар, турлар ва туркумдошларни чатиштиришдан олинган уруғликлар;

оригинал уруғликлар — нав муаллифи ёки у ваколат берган шахс томонидан етиштирилган ва кейинчалик кўпайтириш учун мўлжалланган уруғликлар;

репродукцион уруғликлар — элита уруғликлардан олинадиган кейинги авлод уруғликлари;

уруғ назорати — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талаблари асосида уруғликлар экиш сифатини аниқлаш жараёнларини назорат қилиш.

2. Ўрмон хўжаликлари экинлари уруғликларининг нав назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ уруғчилик бўйича масъул шахслар томонидан олиб борилади.

3. Уруғликларнинг генетик (нав) сифати — дала ва лаборатория шароитларида ўтказиладиган нав синовлари натижалари бўйича аниқланади.

Уруғликларнинг лабораторияда ўтказиладиган нав синовлари лаборатория таҳлили ўтказиш орқали уларнинг муайян нав (тур)га мансублигини белгилайди ва генетик (нав) сифатини аниқлайди.

2-боб. Генетик (нав) ва уруғ назоратини ўтказиш тартиби

4. Нав назоратини ўтказиш тартиби қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

экиш учун мўлжалланган уруғликларни йиғиш ёки чет элдан олиб келиш;

лаборатория таҳлилларини ўтказиш;

экишгача сақлаш;

экиш;

ўрмон хўжалиги экинлари вегетацияси даврида парваришlash.

5. Ўрмон хўжалиги ўсимликлари уруғликларининг наводорлик даражаси апробация ва лаборатория нав синовлари усуллари орқали текширилади.

6. Уруғликларни жамғариш жараёнини назорат қилиш умумий агротехник усулларда олиб борилади, навларнинг аралашиб кетишига йўл қўйилмайди.

7. Уруғликлар тозалигини назорат қилиш технологик жараёнларни сифатли ташкил этиш орқали амалга оширилади. Техник жиҳозларда уларнинг эксплуатация қилиш йўриқномаси бўлиши зарур.

8. Уруғликларни сақлаш, уларни қадоқлаш ва маркировка қилиш назоратга олинади.

9. Элита ва асосий уруғликлар, биринчи авлод гибрид уруғликлари 1,0 фоиздан юқори бўлмаган ўзгаришгача қадоқланади.

Қадоқлаш — уруғликлар зарарланишининг олдини оладиган даражада бўлиши керак. Қадоқларда этикетка ва маркировка қилинган ҳолда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

лабораторияда нав синовларини ўтказиш учун уруғлик ишлаб чиқарувчи субъектнинг номи (бундан буён матнда Субъектлар деб юритилади);

тури;
шакли;
нави;
репродукцияси;
нав тозалиги тоифаси;
экиш тартиби;
ҳосил йили;
партияси рақами;
нав тозалиги;
нав ҳужжати ва ҳужжатнинг рақами, берилган вақти.

10. Уруғлик сақланадиган биноларнинг талабга жавоб бериши — экологик, қурилиши, ёнғин хавфсизлиги, санитар ҳолати, фитосанитар талабларининг бажарилиши уруғ сақланаётган бино эгаси томонидан назорат қилинади.

11. Уруғликлардан намуналар олиб, амалдаги қонун ҳужжатларига биноан аккредитациядан ўтган лабораторияларда экспертиза ўтказилиб, уруғлик назорати амалга оширилади.

12. Текшириш учун уруғликлардан намуналар олиш уруғлик етказиб берувчи иштирокида Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилиги таҳлил маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) ходими (бундан буён матнда Масъул шахс деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

13. Аккредитациядан ўтган лабораторияда экспертизадан ўтган уруғликларнинг экиш ва наводорлик сифатлари натижалари бўйича эътироз бўлса, лабораториянинг юқори турувчи масъул шахси томонидан қайтадан ўрганиб чиқилади.

Текшириш натижаларида уруғ таҳлилида фарқ кузатилса, ушбу лаборатория уруғликлар сифати ҳақида олдинги берилган ҳужжатнинг ўрнига янги ҳужжат беради.

14. Субъектлар уруғчилик соҳасидаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат талаблари тўғри бўлишини таъминлайди.

15. Дала шароитида уруғликларни баҳолаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

баҳолаш уруғликларни махсус майдонларда экиш ва кейинчалик уларнинг ўсимликлар бўйича нав сифатларини ўрганиш орқали ўтказилади;

баҳолаш вегетация даврида ўтказилади;

баҳолаш тартиби ўрмон ҳўжалиги экинлари уруғликларининг қайси тур, нав, шаклга мансублигини ҳамда нав тозалигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

3-боб. Лаборатория нав синовларини ўтказиш тартиби

16. Лаборатория нав синовлари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ Марказ томонидан амалга оширилади.

17. Субъектлар томонидан бериладиган Қоидаларнинг 1-иловасига* мувофиқ аризага қўйидаги ҳужжатлар ва материалларни Марказ лабораторияларига тақдим этади:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрланган уруғликларни таҳлилдан ўтказиш ҳақидаги аризага:

уруғликнинг ёрлиғидан намуна ёки уруғлик тўғрисида маълумот;

апробация далолатномаси;

уруғликнинг тайёрланганлиги тўғрисида далолатнома;

б) чет элдан келтириладиган уруғликларни таҳлилдан ўтказиш ҳақидаги аризага:

уруғликка оид норматив ҳужжат нусхаси;

уруғликнинг ёрлиғидан намуна ёки уруғлик тўғрисида маълумот;

уруғликнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига келганлиги тўғрисидаги белги қўйилган товарга қўшиб жўнатиладиган ҳужжат нусхаси (товар-транспорт юк хати, инвойс ёки ҳисоб-фактура, фитосанитария сертификати);

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг карантин рухсатномаси.

18. Марказ томонидан субъектлардан келиб тушган аризалар 10 календарь куни ичида текшириб чиқилади ва лаборатория нав синовлари натижалари тақдим этилади.

Мазкур ҳужжатнинг 17-бандида кўрсатилган барча ҳужжат ва материалларни қабул қилган Марказ тегишли тартибда лаборатория нав синовларини ўтказишга ёки тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар тўлиқ бўлмаган тақдирда 2 иш куни ичида аризачига рад этиш хатини жўнатади.

19. Лаборатория нав синовлари вақтида:

маълумотлар банкидан фойдаланган ҳолда бошқа навлардан фарқланадиган хусусиятлар мавжудлиги аниқланади;

визуал таҳлиллар асосида берилган материалларнинг бир хиллиги баҳоланади;

биокимёвий тадқиқотлар электрофорез услубида олиб борилади.

20. Лаборатория нав синовларини ўтказиш асосида Марказ томонидан субъектларга Қоидаларнинг 2-иловасига* мувофиқ лаборатория нав синовлари натижалари тақдим этилади.

4-боб. Уруғликлар сифатини экспертизадан ўтказиш қоидалари

21. Марказ лаборатория шароитида уруғликлар сифатини экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича тегишли ҳулосалар беради.

22. Ўрмон хўжалиги уруғликлари сифатини экспертизадан ўтказишда барча кўрсаткичлар бўйича амалда бўлган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат талаблари бўйича тўлиқ ёки қисман таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

23. Уруғликларни экиш сифатини аниқлаш аккредитациядан ўтган лабораторияда уруғликлар партиясидан ўртача намуналар олиш орқали тегишли техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат талабларига мувофиқ ўтказилади. Навдор уруғликлар сифати апробация далолатномаси билан тасдиқланади.

Экиш ёки сотиш учун мўлжалланган уруғликлардан ўртача намуналар танлаш субъект ёки сотувчининг вакили иштирокида Марказ ходими томонидан амалга оширилади.

Уруғликлардан ўртача намуналарни танлаш ҳамда гувоҳномалар ёзиш Қоидаларнинг 3 ва 4-иловаларига* мувофиқ расмийлаштирилади ҳамда Қоидаларнинг 5-иловасига* биноан эса журналларда қайд этилади.

Ўртача намуналар олиш далолатномаси 2 нусхада тузилади. Бир нусхаси субъектга берилади, иккинчи нусхаси лабораторияда қолади.

24. Уруғликлар сифати ҳақидаги ҳужжатлар 6 ва 7-иловаларга* биноан қайд этилади.

25. Уруғликлар яроқли деб топилганида Кондицияли уруғликлар тўғрисидаги гувоҳнома Қоидаларнинг 8-иловасига* мувофиқ берилади.

Уруғликлар партиясида белгиланган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат талабларига нисбатан кўп касаллик ва зараркунандалар аниқланса уруғликлар кондициялиги ҳақидаги гувоҳнома берилмайди.

26. Уруғликлар яроқсиз деб топилганида ёки уруғликларнинг меъёрланган кўрсаткичлари тўлиқ таҳлил қилинмаган ҳолатларда Қоидаларнинг 9-иловасига* мувофиқ уруғликлар таҳлили натижаси қўйидаги ҳолатда расмийлаштирилади ҳамда тақдим этилади:

қисман таҳлил учун олинган уруғликлар намуналарида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат талаблари меъёрларига мос келмаганда;

барча таҳлилларда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат талабларига жавоб бермаса;

намуналар таҳлили натижаларида ўртача арифметик кўрсаткичлар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат талабларига жавоб бермаса.

27. Уруғликлар кондициялиги гувоҳномасининг амал қилиш муддати:

1-синфдаги уруғликлар учун — 8 ой;

2-синфдаги уруғликлар учун — 6 ой.

Уруғликлар кондиционлиги гувоҳномасининг амал қилиш муддати уруғликлар унувчанлиги таҳлили тугаган кундан бошланган деб ҳисобланади.

Уруғликлар кондиционлиги гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг уруғликлар фақатгина унувчанлиги бўйича синовдан ўтказилади.

Такрорий таҳлил ўтказиш Кондицияли уруғликлар тўғрисидаги гувоҳнома амал қилиш муддати тугагунга қадар ўтказилиши керак.

* 3 — 9-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Агар Кондицияли уруғликлар тўғрисидаги гувоҳнома уруғликлар яшовчанлиги бўйича берилган ва жамғарилган йили экилмасдан бошқа фондга ўтказилган бўлса, бу кўрсаткичлар бекор қилинади ҳамда қайта тўлиқ унувчанлиги билан бирга таҳлил қилинади.

Агар уруғликлар қайта таҳлил қилинганда унувчанлик олдинги кўрсаткичларини такрорласа, у ҳолда Кондицияли уруғликлар тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати узайтирилади.

28. Таҳлилдан ортиб қолган уруғликлар экиш ишлари тугагандан сўнг (экиш ишлари олиб борилаётган ҳудуд ҳисоботи бўйича) 1 ой давомида сақланади.

29. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар Академияси, «Ўзстандарт» агентлиги ва Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси билан келишилган.

**Инновацион
ривожланиш вазирли**

И. АБДУРАХМОНОВ

2019 йил 29 апрель

**Фанлар академияси
Президенти**

Б. ЮЛДАШЕВ

2019 йил 29 апрель

**«Ўзстандарт» агентлиги
Бош директори**

Д. САТТАРОВ

2019 йил 29 апрель

**«Ўздавкарантин»
инспекцияси бошлиғи**

И. ЭРГАШЕВ

2019 йил 29 апрель

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 1 июндан 7 июнгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 21 майдаги 60, 2019-30-сон «Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 3 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2766-2.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 майдаги 63-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларини тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2660-4.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 июндаги 242-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1376-1.

4. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 22 майдаги 76-сон «Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 7 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3164.

5. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг

2019 йил 29 апрелдаги 6-сон «Ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларининг генетик (нав) ва уруғ назоратини, лаборатория синовларини, сифати экспертиза қилинишини амалга оширишга доир қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 7 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3165.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2766, 2016 йил 11 март), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2766-1, 2017 йил 8 февраль).

Адлия вазирининг 2019 йил 3 июндаги 240-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларини тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2660, 2015 йил 11 март), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2660-1, 2016 йил 28 июль), (рўйхат рақами 2660-2, 2017 йил 14 декабрь), (рўйхат рақами 2660-3, 2018 йил 27 март).

Адлия вазирининг 2019 йил 4 июндаги 241-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Маданият ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки бошқарувининг «Республика театр ва томоша муассасаларида чипталар бўйича ишларни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1376, 2004 йил 23 июнь).

Адлия вазирининг 2019 йил 4 июндаги 242-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг «Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2805, 2016 йил 1 июль).

Адлия вазирининг 2019 йил 7 июндаги 243-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.